

ЎЗБКИСТГОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



АВАЗОВ Э.Х. АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГНИНГ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИ

Термиз - 2018

Муаллиф: Иқтисод фанлари номзоди,  
доцент Авазов Э. Х

Тақризчилар: Тарих фанлари доктори, профессор С.Н. Турсунов

Иқтисод фанлари доктори О К. Хатамов

Мазкур илмий оммабоп рисолада улуг саркарда ва давлат арбоби, бобокалонимиз Амир Темур ҳамда темурийлар сулоласи давридаги иқтисодий сиёсатнинг эволюцион ривожланиши, унинг ўзига хос хусусиятлари, тамаддунида тутган ўрни ва унга қўшган ҳиссаси ёритиб берилган. Ушбу илмий оммабоп рисола мамлакатимиз иқтисодий таълимотлар тарихига қизиқувчилар учун мўлжалланган.

## Кириш

Инсоният тарихида шундай даврлар борки, унда буюк ишларга тайёр миллатлар, ўзининг етакчилари бошчилигида, тарихнинг муайян қисқа босқичларида минг йилларда қўлга киритиш мумкин бўлган натижаларга эришганлар. Айнан ана шундай даврлар инсоният тарихига шу миллатга мансуб буюк кишиларнинг ўчмас номини битади, жаҳон маданиятини бойитади, умумбашарий тараққиётга катта ҳиссса бўлиб қўшилади. Темур ва Темурийлар даври худди ана шундай, мўғул босқинчиларидан озод бўлган халқимизнинг миллий даҳоси энг юксак чўққига кўтарилиган даврдир. Бу давр илм-фани халқимизнинг соҳибқирон Темур бошчилигида озодликка эришган ва мустақилликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш учун амалга оширган буюк ишларининг ифодасидир. Бу халқимизнинг марказлашган давлат тузиш, миллий давлатчилигини тиклаш ва барқарор қилиш, мустақил яшаш орзуларининг ушалган давридир. Темур ва Темурийлар каби илм-фан, маданият ва санъатни, фалсафа ва адабиётни нозиктаъб тушунган ҳолда давлатнинг иқтисодий салоҳиятига бевосита эътибор бериб унинг такомиллашига катта хисса қўшган. Амир Темур давлат тепасига келгач дастлаб режали равишда қурултойлар ўтказишга эътибор берди. Бу қурултойларда барча шаҳзодалар, бош амалдорлар, маъмурий раҳбарлар, ҳарбий бошлиқлар ва зодагонлар иштирок этиб мамлакатнинг кечикириб бўлмайдиган хўжалик ва ҳарбий ишлари муҳокама қилиниб, мамлакат ва давлат учун ҳаётий муҳим қарорлар қабул қилинган. «...Давлату салтанат уч нарса билан - мулқ, хазина ва лашкар билан тиқдир» — деб таъкидланган Амир Темур. Бу эса, Темур даври иқтисодиётида давлатнинг бошқаруви роли ошиб борганлигини билдиради. Темур давлатини бошқариш тизими ҳам жуда қизиқарлидир. Бошқариш ишини жуда мустаҳкамлаш мақсадида салтанатида девон деб аталмиш ҳукмат идорасини ташкил этди. Амир Темур дунё савдогарлар туфайли обод бўлади, деб ҳисоблаган ва бинобарин янги йўллар, савдо иншоотларини бунёд этиш учун ката маблағ сарф этган. Айнан Амир Темур даврида Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, Европанинг олис юртлари –Испания, Франция ва Англия билан иқтисодий муносабатлар кенгайиб борган. Амир Темур ва Темурийлар даврида солиқ тизимиға ҳам алоҳида эътабор қаратилган. Жумладан, Амир Темурнинг “Темур тузуклари” асарида мамлакатнинг солиқ тизими ҳақида қимматли маълумотлар берилиган. У асарда молижихот, ихрожот, бож, сармушар, хонамушар қўналға, шилон пули, жон солиги, пешкаш каби солиқ турлари ҳақида маълумотлар бериб ўтилган. Темур ва темурийлар давридаги солиқлардан асосийси хирож бўлиб, ўн икки формада аҳолидан йиғиб олинган. Биринчидан, ҳосилнинг бир қисмидан натура холида олинса, иккинчидан, маълум бир майдоннинг ҳажмига қараб пул формасида олинарди. Н.Махмудовнинг фикрича, ўша

даврда хирож соф пул формасида аҳолидан тўпланган. Ғофуров ўзининг «Таджики» асарида бу масалага бошқачарок фикр билдирган. Унинг айтишича, хирож кўп холларда натура холида йиғилиб, миқдори пул билан белгиланган. Шундан келиб чиқсан ҳолда Марказий ҳокимият хазинасига пул формасида тушган.

Халқдан ортиқча миқдорда солиқ йиқсан мансабдорлар жазоланган, баъзан эса солиқлар нормасидан ортиқчаси дехқонларга қайтариб берилган. Давлат шох маълумотларига кўра хирож миқдори ҳосил улусидан эмас, балки маълум ер ҳисоби ҳисобидан олинганлиги ҳайд этиб ўтилган.

Дехқон мулк ерлари фонди 16 асрда қисқарган бўлса ҳам, баъзи имтиёзларга бўлган хўжаликлар мавжуд эди. Муғуллар давридагига нисбатан дехқон мулк ерлари давлат хазинасига оз миқдорда солиқ тўлардилар.

Бу солиқлар йиллар ўтиши билан ўзгариб бробоган бўлсада ўз аҳамиятини йўқотмаган. Масалан, “Молужихот” солиғи ҳозирги кунда олинадиган ер солиғи ҳисобланади. Фақат у солиқнинг олиниш шаклида бироз ўзгаришлар бўлди. Темурийлар даврида ер солиғи пул ёки натура кўринишида олинган бўлса, ҳозирги кунда эса факат пул қўринишида олинмоқда. Бундан ташқари Амир Темур даврида олинг солиқлардан “Бож” солиғи ҳам ҳозирги кунда ҳам амалда кўлланиб келмоқда. Биламизки, бож солиғи қўшни давлатларнинг савдогарлари томонидан чегарадан ўтаётган вақтда тўланган. Ҳозирги даврда ҳам бу солиқ давлатлар томонидан келишилган ҳолда жорий қилиниб келинмоқда. Амир Темур иқтисодий сиёсатда оддий халқнинг манфаатлари, турмуш тарзи, ҳуқуқ ва бурчларини инобатга олган ҳолда оқилона иқтисодий-сиёсат юритганлиги бугунги кунда ҳар бир раҳбар учун дастуриамал вазифасини ўтаб келмоқда.

## **1.Амир Темур давлати иқтисодий сиёсатининг барпо этилиши ва эволюцияси.**

Чукур ўзгаришлар ҳаётимизга кириб келаётган, дунёқарашимиз, мафкурамиз туб ислоҳ қилинаётган даврда, айниқса, давлатчиликимизнинг янги босқичи амалга оширилаётган вазиятда ҳамда сермазмун ва бой тарихимизда иқтисодий қарашларни ўрганиш орқада қолмоқда. Жаҳонга маълум бўлган Ф. Кене, У. Петте, С. Сисмонди, Шарль Фюре, Сен Симон, Адам Смит, Д. Рикардо билан тенглаша оладиган ва улардан олдин етук иқтисодий қарашларга эга бўлган, алломалар ўтган бўлсада, биз уларга эътибор бермай келар эдик.

Шунинг учун бизнинг мавзу Ўрта асрда яшаб ўтган буюк давлат арбоби, йирик саркарда, тенги йўқ салтанат раҳбари Амир Темур иқтисодий сиёсатига бағишлиланган.

Чунки ўрта асрлар тарихида такрорланмас улкан ўрин олган Амир Темур ибн Тарагай Баҳодир ўз даврида жуда улкан империя тузди. Ўз империясини шарқдан то Хитой деворига қадар, шимолдан Москвага қадар, гарбдан ўрта ер денгизи қирғоқларига қадар, жанубдан Миср чегараларига қадар кенгайтириди. Амир Темур ўзининг 35 йиллик ҳукмронлик даврида 27 та давлатни бир империяга бирлаштира олди. Шундай катта майдонни ягона марказда бўйсундириши учун мустаҳкам давлат аппарати, кучли бошқарув тузилмаси, беками кўст таъминланган интизомли қўшин ва юксак даражада иқтисодий ривожланган мамлакат хўжалигига эга бўлди. Амир Темурга бу ишларни амалга ошириш учун 16 йил керак бўлди. У Мовароуннаҳр ҳукмдори деб тан олинган 1370-йилдан то 1386-йилгача мўғул хонлигидан мустақил кучли марказлашган давлат тузиш йўлида курашди. Амир Темур ва темурийлар ҳақида асар ёзган ўрта аср муаллифлари яратган асарларининг характеристири ва моҳиятига қараб асосан биз уч гурухга бўлдик.

Биринчи гурухга ўз даври расмий тарихнавислик анъаналарига риоя қилиб ёзилган солномалар муаллифлари:

Ғиёсиддин Али Низомуддин Шомий (Зафарнома), Шарафиддин Али Яздий (Зафарнома) 1424-1425 йиллар, Хофизи Абру (Зубдат ут-Таворих) ёки «Мажмуъ ат-Таворих» 1423-1425-йиллар, Абдураззок Самарқандий (Матла ас-саъдайин ва Мажмаъ ул-баҳрайн, яъни «Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва денгизнинг кўшилиш ўрни» 1467-1469-йиллар), Муҳаммад Фазлуллоҳ (Тарихи Хайрот), Хотифий (Темурнома), Муъинуддин Натанзий (Аноним Искандар ёки Мунтаҳаб ут-Таворихи Муъминий), Фасих Аҳмад Хавофий (Мужмали Фасихий ёки Фасихийнинг тарихлар мажмуаси), Мирхонд (Разватус сафо), Хондамир (Ҳабиб ас сияр) каби маҳаллий тарихнавислари мансуб бўлса, иккинчи гурух муаллифлигига эса, қисман Амир Темур иқтисодиёти тизимини бир мунча ёритганлардир. Буларга Испания (Кастолия) элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо, арман тарихчиси Фома Мецопский, рус солномачилари («Никон

солномаси» «1512 йилномаси») Ғарбий Европадан, Халқондили, Хайнт, Ферегоса, Мехиа, Примадей, Приокдини, Матиас, Пальмериус, Платини, Сагандинус, Ромус, Курио, Лоникерус ҳамда араб тарихчилари дидир. Лекин бу муаллифлар асарларида ҳам катта эътиборни Амир Темурнинг ҳарбий юришлари, ҳаёти, темурийларнинг ҳукмронлик фаолиятини ва маданият, архитектура соҳаси ва ишлари ёзиганларидан.

Учинчи шундай асрлар мавжудки, унда Темур ва темурийларнинг иқтисодиёт соҳасидаги фаолиятлари қисман ёки системасиз тарзда баён этилган. Бу асарлар қаторига Темур тузуклари, Херман Вамберининг «Бухоро ёхуд Моваруннаҳр тарихи» ва кўпгина илмий тадқиқот асосида ёзилган асарларини мисол қилиб ўтишимиз мумкин. Айниқса, «Тузуки Темурий», «Малфўзоти Темурий» (Темурийнинг айтганлари) номлари билан жаҳонда машҳур бўлган бу асар орқали жуда катта илмий иқтисодий манбага эга бўламиз.

Бутун воқеа бир шахс Амир Темур номидан ҳикоя қилиниб, шарқ мамлакатларида бу машҳур асар чиндан ҳам Амир Темур тарафидан ёзилганлиги ва унинг таржимаи ҳоли эканлиги эътироф қилинади. Чунончи, Сомийнинг «Қомус ул-аълом» (Истанбул, 1892-йил 1727 бет) асарида Амир Темур «Тузукот» унвони қонунлар мажмуасини қаламга олиб, унда ўзининг таржимаи ҳолини баён этган дейилади. Темур билан Тўхтамишхон ўртасидаги урушлар тарихини ёзган француз шарқшуноси М.Шармуа ва рус ҳарбий тарихчиси М.И.Иванин (1801-1874) «Тузуклар»ни Амир Темур ўзи ёзган ва муҳим автобиографик асар, деб айтганлар. Бироқ европалик бошқа бир гуруҳ олимлар (Э.Г.Броун, Ч.А.Сторий, В.В.Бартольд) «Темур тузуклари»ни сохта асар, уни Амир Темур ёзмаган дейдилар. А.Б.Якубовскийнинг фикрича, асар XVIII асрда Ҳиндистонда ёзилган. Инглиз олими Ч.А.Стори мир Абу ал-Хусайнин ат-Турбатийнинг асар муаллифи деб таҳмин қилган. Хуллас, қандай бўлмасин, асарни Темур ёки бошқа одам ёзганлигидан қатъи назар, у сохта эмас, балки чин асардир. Агар унда баён этилган воқеаларни Низомиддин Шомийнинг Амир Темур тарихини ўз ичига олган «Зафарномаси» ёки Шарофуддин Али Яздийнинг шу номдаги асари билан солиштиrsa, бунга тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин. Масалан, Шарофуддин Али Яздий шундай ёзган: ...шу тартибда ул ҳазрат (Амир Темур) ҳаётининг улуғ воқеалари ва кечинмаларини ўз ичига олган туркий ва форсий асар, алохида-алохида назм ва наср тарзида тўхталган эди.

Асарни диққат билан ўқиб чиқсан киши «Тузукларни» қачон ёзилганлигини пайқashi мумкин. Бу асар бизнинг фикримизча, бир неча ўн йиллар давомида ёзилган. Масалан, асарнинг «Ўғиллар ва набираларга улуфа бериш» тартибларига эътибор беринг, унда мана шу ёзувлар орқали «Тузуклар» қачон ёзила бошланганлигини аниқласа бўлади: «Амир қилдимки, тўнғич ўғли Муҳаммад Жаҳонгир валиаҳдим бўлсин». Амир Темурнинг тўнғич ўғли Муҳаммад Жаҳонгир 1376-йилда вафот этган.

Демак, А.Темур 1376-йилдан шу хусусда амр этган бўлса «Тузуклар» ким томонидан ёзилишидан қатъий назар Муҳаммад Жаҳонгир вафотидан олдин ёзилганлиги ҳақиқатга яқин бўлиб чиқади.

«Темур Тузуклари»нинг Амир Темур даврида ёзилганлиги ҳақида исботловчи яна бир факт ҳам мавжудки, 1413-1482-йилларда яшаган машҳур тарихчи Абдураззоқ Самарқандий Темурийлар давлатининг қўшни мамлакатлар (Хиндистон, Хитой ва бошқа давлатлар) билан иқтисодий, сиёсий ва маданий тарихидан баҳс юритувчи, 1467-1469-йилларда ёзилган «Матлаъ ус-саъдайн» ва «Мажмаъ ус-баҳрайн» (икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қуиши ўрни) деб аталувчи асарини ёзишда тузуклардан фойдаланилган. Масалан, «Темур тузуклари»да қўшинларнинг фойдаланиши зарур бўлган қурол яроғлари миқдори билан «Матлаъ ус-садайн»да шу хусусида келтирилган маълумотлар бир-бирига жуда ҳам ўхшаш эканлиги кўриниб турибди.

«Темур тузуклари»нинг Амир Темур даврида ёзилганлигини тарихчи олимларимиз исботлаб берганлиги ҳаммамизга маълум, бу асар орқали эса биз шу давр ижтимоий - иқтисодий, сиёсий, маданий, маърифий қарашларини объектив баҳолашимиизга жуда катта ёрдам беради.

Шунинг учун дейди у «... раъиятдан мол-хирож йигишда уларни оғир ахволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишидан сақланиш керак. Негаки, раъиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади, хазинанинг камайиб қолиши эса, сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги ўз навбатида салтанатнинг кучсизланишига олиб боради» (98 б.).

Шу билан биргаликда, Амир Темур ягона ҳукмронлик ўрнатишга ҳаракат қилишини ҳам шундай деб таъкидлайди: «Худо битта, унинг шериги йўқдир. Шундай бўлгач, Аллоҳ таолони муқаддас мулки — ер юзига эгалик қиласидиган киши ҳам битта бўлиши керак». (25-бет).

Бу билан у давлатда бўйруқ берувчи шахс, яъни давлат мулкини мустаҳкамлаш учун Темур ўз ҳукми остида бўлган ҳудудлардаги барча фойдали қазилма бойликлари заҳираларини, қимматбаҳо минерал ресурсларнинг конини, шахталарни ўзининг давлат мулки деб эълон қилди. Лайль, ёқут, кумуш, нитрат ва бошқа қазилма бойликларини қазиб чиқарадиган Бадахшон конларини давлат монополиясига айлантириди.

Амир Темур давлат тепасига келгач дастлаб режали равишда қурултойлар ўтказишга эътибор берди. Бу қурултойларда барча шаҳзодалар, бош амалдорлар, маъмурий раҳбарлар, ҳарбий бошлиқлар ва зодагонлар иштирок этиб мамлакатнинг кечикириб бўлмайдиган хўжалик ва ҳарбий ишлари муҳокама қилиниб, мамлакат ва давлат учун ҳаётий муҳим қарорлар қабул қилинган. «...Давлату салтанат уч нарса билан - мулқ, хазина ва лашкар билан тиқдир» — деб таъкидланган Амир Темур. Бу эса, Темур даври иқтисодиётида давлатнинг бошқаруви роли ошиб борганлигини билдиради. Темур давлатини бошқариш тизими ҳам жуда қизиқарлидир. Бошқариш ишини жуда мустаҳкамлаш мақсадида

салтанатида девон деб аталмиш хукмат идорасини ташкил этди. Шу нарсани қайд этиб ўтиш керакки, Темурдан олдин ҳам девон давлат бошқариш тизимида сомонийлар, аббосийлар давлатларида ҳам қўлланилган. Девоннинг иш функциялари ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

1. Вазир девони - девонлар ичида асосий ҳисобланиб, барча маъмурий сиёсий, хўжалик ташкилотлари устидан назорат қиласар эди.

2. Мустауфий девони - давлат зарбонаси, хазинаси функциясини бажарар эди.

3. Амид ал-мулк девони - барча давлат ҳужжатлари устидан назорат қиласар эди. Шу билан бирга дипломатик алоқалар билан шуғулланар эди.

4. Соҳиб аш-шураг девони - гвардияга бошчилик қиласар эди. Девон қўшинларга озиқ-овқат, улуфа бериш ишларини назорат қиласар эди.

5. Соҳиб ал-бариид девони (почта раиси) - ахборот ишлари билан шуғулланар эди.

6. Мухтасиб девони - бозор, бозордаги савдо-сотик, ўлчов ва вазн, хунармандлар ва деҳқонларнинг маҳсулотлари сифатини назорат қиласар эди.

Девон бозордаги маҳсулотлар сифатини аниқлаш билан бирга савдо-сотикни тўхтатиб қўйиши мумкин эди. Кейинчалик унинг функцияси кенгайди. Девон халқнинг, мачитларни ва аҳолининг май истеъмол қилиши устидан назорат қиласар эди.

7. Мушриф девони-давлат ишлари айниқса хазинанинг даромад ва ҳаражатлари билан шуғулланар эди.

Шу билан бир қаторда давлат ерлари девони, суд, вақв девонлари бор эди. Бундан ташқари Ал-Хоразмий ҳарбий ишлар девони бўлганлиги тўғрисида қайд этиб ўтган. Девонларнинг маҳаллий ташкилотлари, соҳиб ал-бариид девонидан ташқари вилоят хокимларига ва марказий девонларига бўйсинарди. (50-51 бетларда Б. Г. Гофуров «Таджики»)

Девоннинг иш функциясини Темур шу тарзда белгилайди: «...вазирлар бош котиблар девон мунийшийларини салтанатим саройини шулар билан безатдим. Буларни менга тобе мамлакатлар қўзгуси деб билдим. Чунки улар эл орасида ва мамлакатда бўлаётган кундалик воқеаларни, сипоҳ ва раъият туриш-турмушини менга билдириб турар эди. Булар давлат хазинаси, сипоҳ ва раъиятга оид ишларни тартибга солиб юритардилар. Салтанат мулкига тушган хазиналарни бекитишнинг лойиқ чораю тадбирларини кўтарар эдилар. Салтанатим корхонаси хазинасининг кирим ва чиқимга оид ишларни олиб борар эдилар. Ҳамиша мамлакат тўкинлиги ва ободлиги учун ҳаракат қиласар эдилар. (66-бет)

Девонни – вазирлар маҳкамаси деб қабул қилсак, ундаги вазирларнинг ҳар бирининг ўз вазифалари олдиндан белгилаб қўйилган эди.

«Амир қилиндики тўрт вазир ҳар куни девонхонада ҳозир бўлсинлар.

Биринчи – мамлакат ва раъият вазири. Бу вазир мамлакатдаги муҳим ишларни кундалик муамоларни, раъият аҳволини, вилоятлардан олинган

хосил, солиқ-ўлпонлари, уларни тақсимлаш, кирим чиқимларни мамлакат ободонлиги аҳолини фаравонлиги ишлари ва хазинани қандай қилиб тартибга келтираётганлигини менга билдириб турсин.

Иккинчидан – сипоҳ вазиридирки, сипоҳийларнинг маошлари ва тангахоналарини бошқарсин, такрор ҳолатга тушиб қолмаслик учун (доимо) сипоҳ аҳволидан хабардор бўлиб турсин ва уларнинг аҳволи ҳакида менга хабар бераб турсин.

Учинчиси – эгасиз қолган, ўлиб кетган ва қочганларга тегишли молларни, келиб кетаётган (савдогарлар) мол-мулкидан олинадиган закот ва божларни, мамлакат чорваларни, уларнинг ўтлоқ-яйловларини бошқариб, буларнинг барисидан йиғилган даромадларни омонат тарзида сақловчи вазирдир. Ғойиб бўлганлар ва ўлганларнинг мол-мулки бўлса, меросхурларига топширсин.

Тўртинчиси – салтанат ишларини юритувчи вазир. У бутун салтанат идораларининг кирим чиқимлари, хазинадан сарф қилинган тамом ҳаражатлар, ҳатто отхона ва саройдаги бошқа жонзотларга қилинадиган ҳаражатларгача огоҳ бўлиш керак.

Яна амр қилдимки сарҳадлар ва менга тобе мамлакатларга оид ишларга маъсул уч вазирдан иборат давлат ҳайъати тўзилсин. Улар мазкур ерлардаги молиявий муамолалар ва келадиган даромадларни бошқарсинлар.

Бу етти вазир девонбегига (Вазирлар маҳкамасининг раиси) бўйсимиши лозим ва у билан иштирокда муҳим молиявий ишларни амалга ошиrmоқлари ва менинг арзимга етказишлари даркор» (85 бет).

Бош бошқарма (канцелярия) девони бузурқдан ташқари ҳар бир вилоятда Девон деб аталувчи бошқарма (канцелярия) ҳам бор эди. Девон барча давлат ишлари солиқ йиғилиши, тартибни сақлаш, ижтимоий бинолар-бозорлар, ҳаммомлар, йўллар, ирригация тармоқларига қараб тури ва аҳолининг хулқий аҳлоқий ҳарақатларини назорат остига олиш каби ишлар билан шуғулланарди.

Кўриниб турибдики, девон мамлакатдаги барча молиявий ишларни бошқариб, назорат қилиб турган. Ғарб давлатларида ҳам худди девонга ухшаш ҳукумат идоралари бўлган бўлсада, лекин ҳеч қайси шу типдаги бошқарма Темур давлатидагидек иқтисодиёт ва молияни назорат қилиш функциясини XIV асргacha бажармаган. Масалан, Англияда дехқон типидаги парламент (1256-йилда биринчи марта чақирилган), Франциядаги Генерал штатлар (1202-йилда), Германиядаги Рейхстаг (XII аср), Россиядаги боярлар думаси (XV асрдан боярлар думаси олий ҳокимият қошидаги доимий кенгаш ташкилотига айланди) олий ҳокимиятнинг иккинчи даражадаги ташкилотлари кейинроқ қабул қилдилар. Масалан, Россияда Пётр I даврида (1711-йилда) худди девонга ўхшаш сенат тузилди. Пётр I даврида Сенат ҳукмат муасасалари устидан назорат олиб борувчи олий орган сифатида иш қўрди.

Темур ёзишмаларига мувофиқ, вақти-вақти билан сўроқ қилиш, ревизия ва текшириш, тафтиш, тергов қилиш – таҳлил ўтказилиб

турилган. Ўз амалини сустеъмол қилиш, порахўрлик, доимий ичкилиқ ичиш майший бўзуклик қабилар оғир гуноҳ ҳисобланиб қаттиқ жазоланган. Темур раъиятининг ариза ва таклифларини эътиборсиз қолдирмаслик, уларнинг аҳволидан доимо хабардор бўлиб туриш мақсадида аризалар билан шуғулланувчи маҳсус мансаб тайин этган.

«Яна хукм қилдимки, бир кишини арзбеги қилиб тайинласинлар.

У сипоҳ, раъият ва арз-дод қилиб хузуримга келувчиларнинг аҳволини, мамлакатнинг обод ёки хароблигини, муҳим ишлардан қайси битган – битмаганлигини менинг арзим ва етказиб турсин» (85-бет).

Шунга ўхшаш сўзлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг VIII боб 35-моддасида ҳам мужассам этган. «Ҳар бир шахс бевосита ўзи бошқалар билан биргаликда ваколатни ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш хуқуқига эга. Аризалар таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт».

Темур давлатни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам қилиш билан бирга бирор мафкура остида илохийлаштироқни мақсад қилиб қўйган эди. Чунки кучли мафкурага эга бўлмаган давлат тезда қулайди. Темур давлатига таянч қилиб, ўша вақтда катта құдратга эга бўлган исломни танлади. «Тажрибамдан билдимки, давлат агар динни ойи кўринмас экан, тўла тузукка боғламас экан, ундай салтанатнинг шукухи, уни кўрган ҳар кимса, назарини олиб қочади. Ёхуд касу нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги-тусури йўқ ўтга ўхшайди.

Шунинг учун ҳам мен ўз салтанатим биносини дини ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим. Салтанатни бошқаришимда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузук асосида бажардим».

Темур ислом дини хукмрон бўлган устқурма асосида Мовароуннаҳрдаги жамият базасини такомиллаштириш осон кечишини англаган эди.

## **2.Амир Темур иқтисодиётида давлатнинг таъсир қилувчи методлари.**

Темур даври иқтисодиётида давлат ролининг ошишини айниқса, раъиятга солинадиган солиқлардан, хукмрон синф феодалларга солинган улпон ва феодал мажбуриятларидан аниқ кўрса бўлади.

Раъият қатор солиқ ва жарималар тўлашга, хукмат ва феодалларнинг турли туман юмушларини бажаришга мажбур эди. Темур даврида раъият унга солиқ ва жарималарни тўлар эдилар, шу солиқ турларига тўхталиб ўтмоқчимиз.

- 1) Молу хирож – нақд пул ва маҳсулот билан тўланадиган солиқ.
- 2) Қўналға – чўпонларга ва элчиларга қўноқ (тўнаш) бериш солиғи.
- 3) Шилон – подшоҳлар ва амирларнинг овқати учун йифиладиган солиқ.

4) Хирож – бу ер бўйича тўланадиган солиқ рента билан аралашган шаклда бўлиб, баъзан маҳсулотнинг 0, 4 қисмини ёки тенг ярмигача олиб қолинар эди. Шуни ҳам айтиш керакки хирож баъзан суғориладиган ерлардан олинадиган ҳосилнинг учдан бир қисми, ёмғир билан битган ерларда умумий даромаднинг 4/1 қисми ҳажмида тўпланган:

- 5) Сар-дараҳт – мевали дараҳтдан олинадиган солиқ.
- 6) Дуди – тутун солиғи.
- 7) Бегор – тэкинга ишлаб бериш демақдир. Аҳоли шаҳар деворларини, қўрғон, сарой, мачит-мадрасалар қуриш ва мустаҳкамлаш шунингдек ариқ, йўллар, кўприклар қуришга мажбурий шаҳар учун жалб қилинган.
- 8) Тамға – савдо ва хунармандчилик солиғи
- 9) Пешкаш – тортиқ
- 10) Ушр – ер солиғи бўлиб ҳосилнинг 0, 1 қисми берилган.
- 11) Миробона–кўзда мироббошлар учун дехқонлардан олинадиган солиқ ва соврин, сари шумо, хона-шумор, доругачи, аваризот, закот, божтемға каби соликлар мавжуд эди.

Темур ва темурийлар давридаги соликлардан асосийси хирож бўлиб, ўн икки формада аҳолидан йиғиб олинган. Биринчидан, ҳосилнинг бир қисмидан натура холида олинса, иккинчидан, маълум бир майдоннинг ҳажмига қараб пул формасида олинарди. Н.Махмудовнинг фикрича, ўша даврда хирож соф пул формасида аҳолидан тўпланган. Гофуров ўзининг «Таджики» асарида бу масалага бошқачарок фикр билдирган. Унинг айтишича, хирож кўп холларда натура холида йиғилиб, миқдори пул билан белгиланган. Шундан келиб чиқсан ҳолда Марказий ҳокимият хазинасига пул формасида тушган.

Халқдан ортиқча миқдорда солиқ йиқсан мансабдорлар жазолангандан, баъзан эса соликлар нормасидан ортиқчаси дехқонларга қайтариб берилган. Давлат шох маълумотларига кўра хирож миқдори ҳосил улусидан эмас, балки маълум ер ҳисоби ҳисобидан олинганлиги ҳайд этиб ўтилган.

Дехқон мулк ерлари фонди XV асрда қисқарган бўлса ҳам, баъзи имтиёзларга бўлган хўжаликлар мавжуд эди. Муғуллар давридагига нисбатан дехқон мулк ерлари давлат хазинасига оз миқдорда солиқ тўлардилар.

Дехқонларнинг асосий қисмини ижарави чоракорлар ва жамоачи дехқонлар ташкил этарди. Муғуллар даврида дехқон жамоа ерларининг мавжудлиги тўғрисида аниқ ҳужжат бўлмасада XV-XVI асрларда бундай жамоаларнинг борлигини исботловчи ҳужжатлар топилган.

Е. А. Давидович XVI аср ҳужжатларидан келиб чиқиб, дехқон жамоаларнинг сақланиб қолишининг асосий сабаби қишлоқ ерларининг бўлинмаслиги деган холосага келади. Дехқон жамоа ерларини сотиш-сотиб олиш, ёки вақф ерларига айлантириш мумкин эмас эди. Жамоа ер эгалиги моҳияти ва мазмуни тўлиқ очилмаган бўлиб, фақатгина унинг ҳамма аъзолари жамоа ерига нисбатан тенг ҳуқуқга эга эди. Солик жамоа

томонидан фақат давлат хазинаси эмас коллектив мулк балки вақф ерлар ва шахсларга ҳам тўланарди. Бошқача айтганда жамоа ва ер эгалиги ўша даврда турли хил категорияларда бўлиши мумкин эди: Масалан, амлок ерларида, вакар ва феодал мулк холларида.

Диний мансабларга қарашли бўлган, мулк ерлари фонди катта эди. Масалан Хўжа Ахорнинг Ўрта Осиёning 1300 дан ортиқ жойларида мулки бор эди. Самарқанд вилояти ерларининг ўзидан давлат хазинасига 80.000 манн, яъни 1600 буғдой ушр сифатида бериларди. Ушр ҳосилининг 10/1 фоизини ташкил қилишини ҳисобга олсак, демак, Хўжа Ахор Самарқанд вилоятидаги ерларининг ўзиданоқ 16.000 тонна буғдой даромад қиласар экан.

Ер мулкларидан давлатга солиқнинг бир қисми тўланарди. Диний мансабдорларнинг ер мулкларининг жуда кўпчилиги давлат солиқ хазинасига солиқ олинмасди (тархон, тијол ва танҳо формалари).

XVасрда жуда кўп ерлар хусусий мулкларга айланган эди. Хусусий ерларга давлат солиғи олинмай, шу ер эгалари хазинаси учун тупланадиган ерлар киради. Бундай мулкчилик кейинги манбаларда мулки хурри холис деб юритилган.

Хусусий ерларнинг давлат ва хусусий ер эгалари, ўртасида солиқ улушларининг пропорционаллигига қараб бўлиниши, шу категориядан ерларнинг кўпайишига олиб келади. Масалан, мулк ерларидан давлат хазинасига солиқнинг 2/3 қисми тўпланса, хусусий мулк эгаларига солиқларнинг 1/3 улуши теккан. Бундан келиб чиқадики, давлат хазинаси мулк ерларининг 2/3 қисмига, хусусий мулк эгалари эса ерининг 1/3 қисмига эгалик қилган.

Темур давлатида солиқларни йиғиш қаътий қонун қоидалар асосида олиб борилиши талаб қилинади. Буни «Темур тузуклари»ни ўқиб билиб олиш мумкин.

«Хирожни йиғиш вақтида икки вазир тайинлансан. Бири тўпланган молни ёзиб раъият аҳволини текшириб турсин, бож олувчилар зулм қилиб уларнинг аҳволига ҳароблик етказмасинлар. Вилоятларда йиғилган тамом мол ашёни кирим дафтарига ёзишлари лозим. Иккинчи вазир эса чиқим дафтарига ёзиб йиғилган моллардан сипоҳ маошига тақсимласинлар» (10-бет)

Темур даврида солиқлар раъиятдан аниқ тузук асосида йиғиб олинарди. Бу тузук қуйидагича эди: «...Ҳар бир мамлакат фатҳ этилган турли кўнгилсиз ҳодисалардан омонликда бўлсин, унинг ҳосил ва даромадларида ҳисобга олиб иш тутсинлар. Агар ерлик фуқаро азалдан бери келган хирож миқдорига рози бўлса уларнинг розилиги била иш кўрсинлар акс ҳолда /хирожни/ тузукка мувофик йиғсинлар. Яна амр қилдимки хирожни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб йиғсинлар. Чунончи, доим, ўзлуксиз равишда корсиз, булоқ ва дарё суви билан суғориладиган экин ерларни ҳисобга олсин ва ундаи ерлардан олинадиган икки ҳиссаси раъиятга, бир ҳиссаси олий саркорлик (салтанат хазинаси) учун олинсинлар.

Нарх навога мувофиқ олинган ақчани сипоҳга етказсинлар, бордию раъият ҳосилни уч тудага бўлишга рози бўлмаса, у ҳолатда ҳисобга олинган экин ерларини ер биринчи, иккинчи ва учинчи жаридан экин ер ҳарвотларини, иккинчи жаридан/олинганнинг/-икки ҳарвори, учинчи жаридан/олингиннинг/-бир ҳарворини олсинлар. Бунинг ярмини буғдой, ярмини арпа ҳисоблаб учга бўлиб / иккинчисини дехқонга қолдириб/бирини олсинлар. Агар раъият бу йўсинда солик тўлашга рози бўлмаса у ҳолда бир ҳарвар буғдойига беш мисқол кумуш, бир ҳарвор арпасига ярим мисқол кумуш миқдорида нарх қўйсинлар.

Шулардан бошқа қўшимча тарзда улардан ҳеч қандай олиқ-солик талаб қилмасинлар.

Булардан ташқари кузги, баҳорги, кишки, ёзги дехқончиликдан олинган ҳосил раъиятнинг ўзига бўлсин. Лалмикор ерларни эса жаридларга бўлсинлар, ҳисобга олинган бу ерлардан / солик олишда / учдан бир қисми ва тўртдан бир қоидасига амал қилсинлар. Ҳар шаҳар ва ҳар ердан олинадиган жон солиги, касб ҳунардан ҳамда утлоқ ва сувлоқлардан олинадиган соликни тўплашда қадимдан келган тартиб қоидага амал қилсинлар. Бордию бунга раъият рози бўлмаса бори бўлгунча иш тутсинлар. »(99-бет)

Мамлакатда солик миқдори олдиндан белгилаб қўйилмас эди. Даромад қанча юқори бўлса солик миқдори шунча бўлар эди. Кўчманчи қабилалар соликни натурал ҳолда тўлар эдилар. Хунармандлар даромадларнинг 4/1 қисмини солик сифатида давлат хазинасига топширас эди. Бу эса ортиқча маҳсулотни сотиш имконини яратарди яъни, дехқонни шунга қизиқтиради. Дехқонлар қурғокчилик йилларида сув учун қўшимча солик тўлар эдилар.

Соликлардан тушган даромадлар хазинага катта фойда келтиради. 1398-йилда вилоят хукмдорларидан бири давлат хазинасига олиб келган йиллик соликни сарой ҳисобчилари уч кеча уч кундуз ҳисоблаганликлари аниқ факт. Шу билан бир қаторда феодаллар ҳам бир қанча мажбуриятларини бажаришлари шарт эди. Кастиля элчиси Клавихо ўзининг «Кундалигид» феодал мажбуриятларидан бирини қайд этиб ўтган. «Темурбек отлари қуидаларни ўз ясовулларидан бирига бир минг, бошқа ўн минг сурув қилиб сақлаш учун бўлиб берган. Подшо талаб қилганда сурувларни қайтаролмаган ёки туёғини мулжалдагидан камайтириб қайтарган тақдирда подшо ҳеч қандай товон шартларига кўнмайди, борини оладиу лекин гуноҳкорни қатл эттиради.» (20-бет «Санъат II» 1990-й.) Бу мулкка бўлган муносабат.

Мажбуриятларни ўз вақтида бажармаган феодалларнинг, қатл этилишини, Ибн арабшоҳ ҳам қайд этган. Темур солик сиёсатида раъиятга ён босган вақтлари ҳам бўлган. Масалан, Эронга қилинган беш йиллик юришдан ғолиб бўлган, катта бойликлар билан қайтгач Самарқанд ахолисини уч йиллик соликдан озод қилган, Тошгандий томонидан ёзилган Темурномада бу ҳолат бадиий равишда кўрсатилган.

«...Хали Баракхон куч остида эканлигига» энди солиқ олурмиз деди. Сохибқирон ман қилдилар, бу йил барча эллар қашшоқтурлар, элни тархон қилурмиз» - деди, Барокхон кунмайди. Амир Темурнинг ўзи элга тушган солиқни тўлаб юборади (27-бет).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992-йил 29-декабрда чиқарилган УП 582-рақамли Фармонига биноан 1993-йил 1-январдан бошлаб энг кам иш ҳақи ва меҳнат нафақаси 1, 25 кўпайтирилсин ва жорий этилган маош сеткасига кўра ҳажми 2500 сўм деб белгилансин деган фармони асосида энг кам ойлик маоши 2500 сўмни ташкил этган шахслардан ҳеч қандай солиқ олинмасин дейилган, бу ҳолат ҳозир ҳам давом этмоқда. Кам даромадли раъиятни шу тарзда қўллаб-қувватлаш ҳозирги кундагидек, Темур иқтисодий сиёсатида ҳам учраганлиги, у илфор иқтисодий қарашларга эга эканлигидан далолат беради.

Темур давлатида ҳисоб-китоб ишларига эътибор катта эди. Мамлакатнинг ўз ўлчов бирликлари бор эди. Бир қанча ўлчов бирликларининг турларини ўша давр адабиётларида учратиш мумкин. Шундай ўлчов бирликларининг баъзиларига қисқача маълумот берамиз.

- 1) Самарқанд ратли – 0, 5 граммга teng оғирлик ўлчови
- 2) Фарсанг – 6-7 km.ga teng масофа ўлчов
- 3) Ёғоч – 8 km масофа ўлчови
- 4) Жарип – 958 кв.м. ҳажмидаги ер
- 5) Ҳарвор - бир эшак кўтарадиган юк (300 кг)
- 6) Мисқол – оғирлик ўлчови бўлиб, бир қадоқнинг 84/1 улушкини ташкил этади (тахминан 4, 8 грамм)
- 7) 1 қадоқ – тахминан 405 граммга teng оғирлик ўлчови бирлиги бўлиб, 1,65 кг.га teng
- 8) Дашешк раттли – раттл оғирлик ўлчови бўлиб, 1,65 кгга teng
- 9) Уквия - 34,44 граммга teng оғирлик ўлчови
- 10) Иман - 4кг.га teng оғирлик ўлчови
- 11) Ботмон – ўлчов бирлиги

Ботмон –шаъриятига кўра, асосан 0,832 кг.ни ташкил қилган, лекин турли мамлакатлар ва турли даврларда унинг мезони ҳар хил бўлган.

Ўрта Осиёда ҳам ботмон вазни ўзгариб турган. Масалан, 19 асрда Хоразмда ботмон 20,16 кг.дан 4,95 кг.гача, Бухоро ва Самарқандда асосан 8 пуд (131,044 кг), Фарғонада 8-10 пуд (131,044 – 163,800 кг), Тошкентда 10,5 пуд (171,99 кг) бўлган.

Ўрта Осиёнинг кўп жойларида ботмон юза ўлчови сифатида ҳам қўлланиб, 1 ботмон оғирлиқдаги буғдой сепилиш мумкин бўлган ер юза бирлиги ҳисобланган.

Масалан, Самарқандда 1 ботмон (8 пуд) буғдой 1,63881 га ерга сепилганилиги сабабли шундай катталиқдаги ер бир ботмон деб аталган.

Пуд – оғирлик ўлчов бирлиги бўлиб, 16,300 грамм. Давлатда ягона ўлчов бирлигининг бўлиши, савдо-сотиқ ва тижорат ишларининг нақадар юқори даражада бўлганлигини кўрсатади. Ўша давр тарихчиларидан Ибн Арабшоҳ ёзиб қолдирган бу жумлалар орқали, иқтисодиёти мустаҳкам

бўлган давлатда, ўлчов бирликлари давлат томонидан назорат қилинганига ишонч ҳосил қиласиз. «Самарқандда на сок, на қайдлар бўлиб, ҳисобталаб нарсалар жинси кайди билан ҳисобланмасди. Самарқанд раттли (0,5 гр) қирқ увқитдан иборат (бир увқит 37,44 гр) увқитда юз мисқол (мисқол 4,68 гр) бўлади. Демак, уларнинг бир ратлли турт минг мисқол бўлади. Ҳар бир мисқол ҳеч зоидсиз, ноқиссиз бир яrim дирҳамдир. Шунга кўра, Самарқандликларнинг ҳар бир ратллига Дамашқнинг раттли баровар келади». (89-90 бетлар )

Темур давлатида пул бирликлари ҳам мавжуд бўлиб, биз ҳозир таълим олаётган иқтисодий назарияда пулнинг беш функцияси тўлиқ ўз ифодасини топган. Минг афсуслар бўлсинким, биз ўзимизни билмаслигимиз сабабли Европа иқтисодчилари талқин қилган методлар асосида таълим олмоқдамиз. Аслида эса улардан олдин ўзимизнинг ватандошимиз Амир Темур давлат пул функцияларини тўлиқ кўрсатиб ўтган.

Тангалар Темур томонидан хон қилиб қуйилган Суюргатмиш (1370-1388-йил) ва Султон Махмудхон (1388-1402-йиллар) номлари билан зарб этилган. Мовороуннаҳрда динор ва дирҳам савдо-сотикда муомалада ишлатиларди. Темур даврида пул системаси биметалл система эди.

Амир Темур давлатида 1390-йилларда кумуш пулларнинг янги хили, оғирлиги унга қадар муомалада бўлган тўртта «кепек» (кепаки Кепакхон чиқарган танга. Кепакхон (1318–1326-йиллар) Чифатой улусининг хони бўлган) дирҳам билан баравар бўлган тангалар чиқарилган.

Темур давлатида ушбу дирҳамлар «мири» ёки «амири», яъни Темур пуллари деган ном олган. Темур тангалари вазнининг асосий оғирлиги 5,7 – 6,2 грамм, «Мири» тангаларининг оғирлиги эса 1,5 гр атрофида эди. Е.А.Давидович Темур тангаларининг диаметри, 24 – 26 мм, 26 – 30 мм, 22–28 мм, 24-25 мм, оғирлиги эса кўпинча 5,9 – 6,1 гр. Гистограммадаги ўртача вазни эса 6,0 гр ташкил қилганлиги қайд этилган.

Темур давлатининг пуллари Хирот, Кермон, Шабенқара, Шемаха, Домгон ва бошқа шаҳарларда зарб этилган.

1405–1447-йилларда хукмронлик қилган Темурнинг ўғли Шоҳруҳ даврида тангаларнинг оғирлиги аста камайиб 5 гр га етди. Сунгра мисқол даражасида яъни мисқол тангалар кўринишида XVI аср бошларигача сақланиб турди. Бу мисқолларнинг оғирлиги 4,8 грамм бўлган.

Мири-кичик кумуш пул бирлиги бўлиб, Ойбек номидаги Ўзбекистон музейда 3 хил мири мавжуд:

- 1) Мардин мириси – 1,5 гр. оғирликда
- 2) Шероз мириси – 1,4 гр. оғирликда
- 3) Табриз мириси – 2,8 гр. оғирликка эга.

«Темур пулларининг шакли асосан арабча турли дўзлар тасвирланган. Темур тангаларида асосан уч халқали тамфа (:) акс этган. Тангада асосан «Аллоҳдан бошқа маъбуд йуқ», «Муҳаммад Алайхисалом худонинг элчиси, пайғамбари» каби сўзлар битилган. Айланасига биринчи тўрт араб халифасининг номи қайд этилган. Абу Бакр

(632 - 634), Умар (634 - 644), Усмон (644-656), Али (656 - 661), орқа томонда улуғ хоқоннинг номи ва бошқа ёзувлар акс эттирилган, тангаларда шунингдек қачон зарб этилганлигини кўрсатувчи белги бўлган (Туркистон рўзномаси) 1992-йил 6-март сони.

Юқорида келтирилган маълумотлардан Темур пулларида динор, дирҳам номлари сақланиб қолган бўлсада, уларнинг баъзилари «Тузуклар»да берилган маълумотлардаги каби, ўзининг эски вазифаларини сақламаган бўлса керак, деган хулоса чиқарса бўлади.

Яна бир нарсани эътибор берайлик, Темур давлатида кепейки динорлар ҳам ишлатилганлиги юқорида зикр этилган эди. Кепейки динор икки мисқол кумушга ёки 6 дирҳамга teng бўлади. Олдинги 1428-йилгача чиқарилган енгил вазнли барча тангалар билан муомала қилиш тўхтатилиб улар бир қанча вақт мобайнида янги вазн, оғиррок тангаларга алмаштирилган.

Бундай тангалар 1428-йилда Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Шоҳрухия, Андижон, Қарши ва Термиз шаҳарларида бир вақтнинг ўзида зарб қилина бошлаган. Шундан кейин Бухоро шаҳрида Марказий пул зарб хонасидан бошқа ҳамма шаҳарлардаги зарб хоналари ёпилди. Бухоро эса танга зарб килувчи ягона шаҳар бўлиб қолди. Улуғбек ўлимидан кейин ҳам жуда кўп йиллар Бухоро шаҳрида ислоҳат даврида йўлга қўйилган мис тангалар ҳеч бир ўзгаришсиз ҳолда зарб этилди. Ҳаттоқи ундаги танга зарб этилган сана ҳам Улуғбек ислоҳати йили билан сақланиб қолганди. Тангаларнинг бир хил шаклдаги Ўрта Осиёning барча худудларида савдо - сотиқ ишларининг бир тизимда бўлишига Ўрта Осиёning ҳар бир бурчагида товар сотиб олиш мумкин эди. Улуғбекнинг пул ислоҳати ички бозорда майда чакана савдонинг ривожланишига олиб келди.

Амир Темур салтанатида бозорларда тартиб ва нарх наво устидан доимий назорат ўрнатилган эди. Раислар, назоратчилар ҳаридор ҳақига хиёнат қилган сотувчини қаттиқ жазолаган. Бозор нархлари ошмаслиги учун чайқовчиларга қарши қаттиқ чоралар кўрилган. 1404-йилда Темур шахсан ўзи қозилик қилиб, гўштни баланд нархда сотган қассобни ўлимга маҳкум қиласди.

Темур давлатида бозорларда, кўчаларда тиланчилик қилиш умуман тақиқланган. Ишга яроқли одам тиланчилик қилса, биринчи марта кечирилган, иккинчи марта такрорланса у қўлликка берилган, ишга яроқсиз гадолар эса давлат ҳисобидан боқилган. Темурнинг қишлоқ хўжалигидаги олиб борган иқтисодий сиёсати ҳам ўзига хос хусусиятга эга.

Экинларини кўчманчи чорвадорлар ҳужумидан сақлаш ва моллар уларни пайҳон қилмасликлари учун Темур бўйруғи билан махсус қуриқчилар тайин этилган. Янги ерларини ўзлаштирган деҳқон икки йилга солиқдан озод қилинган, ташландик ерларни экинзорга айлантирмоқчи бўлган кишиларга от, улов, омоч, хўқизлар ижарага берилган. Манбаларда, янги ерларни обод қилган кишиларнинг баъзиларининг номлари сақланиб қолган.

Темур ҳар бир шаҳар ва қишлоқда масжид, мадраса ва хонакохлар қуришга, камбағалларга лангархона, касаллар учун шифохоналар қуришга эътибор берган.

Ҳар бир шаҳарда дор ул-аморат (ҳукмдор саройи) ва дор ул адолат (қозихона) қурилган.

Темур давлатида информация яъни ахборот ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Ҳар бир сарҳад вилоят, шаҳар ва қўшинда хабар ёзувчи хабарнавислар тайин қилинган бўлиб, улар хокимлар, ҳалқ ва қўшиннинг ахволи тўғрисида ҳисоб бериб турганлар. Шу билан бир қаторда хабарчилар мамлакатга кирган ва чиққан мол – мулк четдан кирган ва четга чиққан ёт кишилар, ҳар мамлакатдан келган карвонлар, ҳукмдорлар ҳақидаги хабарлар, қўшни подшолар, уларнинг гаплари, ишлари тўғрисида батафсил ахборот бериб турганлар. Ҳар бир ахборотнинг тўғри бўлмаслиги қаттиқ жазолангандан. Ахборотлар кунма-кун, ҳафтама-ҳафта, ойма–ой, етказиб турилган.

Шу мақсадларда инфраструктурани ривожлантириш мақсадида 1000 тез юрар тужа, 1000 та от ва тез юрар пиёдани чопар этиб тайинлаган эдилар. Бу қисмларнинг иш функциясига разведкачилик функцияси ҳам кирган. Улар турли мамлакатлар сарҳадларининг ҳар бир соҳадаги қимматбаҳо маълумотларини ва ҳукмдорларининг мақсадлари, ниятларини билиб Темурга етказганлар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган барча фактлардан Темур даври иқтисодиётida давлатнинг роли юқори бўлганлигига гувоҳ бўламиз.

Фақат жуда муқаммал қурилган давлат тизими билан мамлакатдаги иқтисодиётни тараққий эттириш зарур эканлигини тушунган подшоҳлар, хонлар, императорлар, қироллар Темур давридан кейин мустаҳкам салтанат корхонаси тузишга эътибор бердилар.

### **3.Амир Темур давлатининг ҳарбий – иқтисодий сиёсати.**

Давлат ҳамма вақт иқтисодий фаолият билан шуғулланиб келди, ҳамма иқтисодий ҳаёт субъектларининг ҳатти–ҳаракатларига барибир аралашаверди.

Ҳарбий тарих Темурни буюк саркардалардан бири деб билади. Қўшин асосан Чингизхон анъаналарини давом эттиради. У кўнгиллилардан иборат бўлиб, ўнлик системасига асосланган, яъни туман, минглик, юзлик, унликлардан иборат бўлган.

Рус ҳарбий тарихчиси Иванин ўзининг «Мўғул татарлар ва Ўрта Осиё ҳалқларининг Чингизхон ва Темур давридаги ҳарбий саънати ҳамда босқинчиликлари ҳақида» номли асарида Амир Темурнинг ҳарбий саънати ва ҳарбий иқтисодий қарашлари тўғрисида фикр юритган. Унинг таъкидлашича, Темурланг армиясида асосий қўшин турларидан ташқари, яна бир қанча маҳсус қўшин турлари мавжуд бўлган, уларнинг ҳар бири маълум бир функцияни бажараб эди. Масалан:

а. понтонерлар ва кемачилар – улар асосан Аму ва Сирдарё кемачилик билан шуғулланувчи кишилардан танлаб олинган кемалар ва кўприклар қуриш учун ишлатиларди.

б. Грекорианлар ёки грек олов отувчилар

в. Қамал қилиш машиналари ва улоқтирувчи тўплар билан ишлашни биладиган турли хил ишчилар.

Темур олиб борган қамал жараёни, у греклар ва римликларнинг қаълаларини ишғол қилиш учун қўлланган усулларини яхши билганлигини исбот қилди. Боязидга қарши бўлган жангда у Грекориян оловини отувчи мосламаларни филлар устига ўрнатиб жангга киритди.

Г. Тоғларда олиб бориладиган жанглар учун Темур тик қияликларга чиқа оладиган, тоғлик ерларда бўладиган жангларда кўниккан тоғ аҳолисидан ташкил топган маҳсус пиёда қисмга эга эди. Шундан кўриниб турибдики, Темур қўшинда меҳнат тақсимотига қаттиқ эътибор берган. Кўшинларнинг шу тарзда тақсимланиши, меҳнат унумдорлигининг ошишига тўғри маънода айтганимиздек эса, Темур қилган юришларининг муваффакиятли чиқишига ёрдам берган. Ҳар бир сипохнинг юриш вақтида ўз ўрни бўлган. У ўз ўнлигидан, юзлигидан, минглигидан чиқиб кета олмаган, ҳар қандай итоатсизлик, бўйруқни бажармаслик қаттиқ жазоланган.

Темур империясида 800 минг кишилик қўшин бўлганлиги қайд этилган. У масалан, Хиндистон, Туркия султони Боязид ва Тухтамишон устига 200000 лашкар тортиб боргани маълум. Темур қўшинда темир интизом ўрнатган, ҳар бир туман учун алоҳида рангдаги бош кийимлар жорий этилган.

Темур қўшинларининг Чингизхон қўшинларидан ягона фарқи унга нафақат кўчманчилар, балки қарийб 50 фоиз забт этилган мамлакатларининг ўтрок аҳолиси ҳам Темур даврида қўшни давлат хазинасига даромад олиб келувчи асосий воситаларидан бири эди. Мовороуннаҳр ўзига бўйсиндирилиб ҳокимиятни ўз қўлига олган Темурнинг бундан кейин уюштирган ҳарбий юришлари талончилик ҳарактеридаги урушлар билан қўшиб олиб борилди. Мана шу хилдаги юришлардан дастлабкиси Темурнинг Хоразмдаги юриши эди. Ҳозирги замон илмий адабиётида қайд қилинганидек.

Ибн Арабшоҳ ҳам Темур Хоразмга тўрт марта юриш қилганидан кейин уни эгаллаб, пойтахти Урганчни хароб этгани ҳақида ёзади. (24 бет 1 китоб).

1385-йилдан бошлиб Темур аввал ўзи ёрдамида Оқ Урдага ҳоким бўлиб, сўнгроқ эса Олтин Урдани ҳам қўшиб олиб бутун жужи улусидаги ўз хукмини ўрнатишга муваффақ бўлган. Тухтамиш (вафоти 1406-йил) билан ўзок муддат уруш олиб борди. Темурнинг Хоразм ва Олтин Урдага қарши курашиб уларни енгиши Ўрта Осиёни кучли бир давлатга бирлаштириш билан боғлиқ бўлса, унинг Эрон, Озарбайжон (1385 - 1386), Ирок (1393 - 1400), Хиндистон (1388 - 1399), Сурия (1400 - 1401) ва Туркияга (1401 – 1402) қилган юришлари эса тўғридан тўғри истилочилик

ва босқинчилик юришлари эди. Тез-тез ҳарбий юришларда бўлган қўшинни иқтисодий жиҳатдан таъминлаш мамлакат иқтисодиётига қанчалик салбий таъсир кўрсатишини англаш қийин эмас. Лекин Темур қўшини босиб олган давлатлардан олиб келинган катта - катта бойликлар, олтин, кумуш, буғдой, қурол яроғлар, сурув - сурув қорамол ва қўй подалар, қўллар, қисқаси истеъмол қийматига эга бўлган барча нарсалар давлат хазинасини бойитар эди. Кўшини томондан талаб олинган ўлжаларнинг 10/1 қисми подшоҳнинг улуши ҳисобланар эди. Кўшин босиб олган мамлакатдаги сув, ер ва вилоятлар тўғридан-тўғри салтанат хазинасининг мулкига айланар эди. Темур қўшини ўзига хос улкан хўжалик эди. Асосан кўчманчилардан ташкил топган қўшин йўлга чиқса бутун фронт орқасидан моддий таъминлайдиган хўжалик билан ҳаракатланарди. Сипоҳлар оиласлари ва бутун уй майда-чуйдалари билан сафарга отланар эди. Кўшин орқасидан чупон ва туялар билан, қўшин бошликлари хашаматли безатилган чодирлари, хотин ва чўрилари билан сафарга чиқар эдилар. Шу билан бир вақтда қўшин билан изма-из савдогарлар, ҳунармандлар, эгар-жабдуқ усталари, темирчилар, мисгарлар, қуролсозлар, озик-овкат маҳсулотлари каби шовқин-суронлар эди. Арава фидириклиарининг ғижирлаши, темирчининг жаранглаши туяларга осилган қўнғироқларнинг овози, бозорлардаги ғовур-ғувур, карнайларнинг увиллаши бутун мамлакат хўжалигининг сафарга отланганидан далолат берар эди.

Бунинг ҳаммаси қўшиннинг мамлакат иқтисодиётига таъсир этишининг далил исботидир.

Темур қўшинида тартиб интизом ўрнатиш билан бирга, унга нисбатан каътий иқтисодий сиёsat тутди. Кўшинни қурол-яроқ, анжом жиҳозлари билан таъминлаш аниқ ҳисоб-китоб асосида олиб бориларди.

«Шундай бўйруқ бердимки юриш вақтида оддий аскарлардан ҳар ўн саккиз киши ўзи билан бирга бир чодир олсин, ҳар бир аскар икки от, бир камон, бир садоқ ўқдон (таркаш), бир қилич, appa, бигиз, бир қоп (жувол), болта, ўнта игна ва орқага осиладиган чарм халта олсин.

Баҳодирлардан ҳар беш киши бир чодир олсин. Ҳар бири битта олтин темир совут (жавшан) дубулға (худи), бир қилич, садоқ ўқдон, камон ва бешта от олсин.

Мингбошилардан ҳар бири ўзи билан бирга битта чодир, бир соябон, қурол-аслаҳалар, дубулға, найза, қилич, садоқ ўқдон ва ўқ кўтарганича олсин.

Биринчи амир чодир, битта утов, бир жуфт соябон, қурол-аслаҳадан шу миқдорда олсинларки: қўл остидагиларга ҳам бергудек бўлсин. Шунга ўхшаш иккинчи, учинчи, тўртинчи амирдан тортиб то амир ул умаротгача: ҳар қайсилари ўз мартабаларига яраша чодирдан, утовдан, отлардан бошлаб то бошқа ҳарбий анжомларгача саражом саришта қилиб қўйсинлар. Биринчи амир 110 от, иккинчи амир 120, учинчи амир 130, тўртинчи амир 140 от, амир ул умаротга етгунча тартиб шундай бўлсин.

У эса ўзи билан бирга бир қилич, бир камон ва кўтарганларича ўқ-ёйдан олсинлар».

Тузукда бериладиган қурол-яроғларнинг миқдори, сафарга чиқилаётганда, тўлиқ, бўлмаса ўша сипоҳ, ўнбоши, умуман барча мансабдор шахслар жазоланарди.

Темур қўшинларга мамлакатнинг таянчи сифатида қарап эди. Шу сабабли давлат хазинаси ҳаражатлари нақадар кўп бўлишига қарамай қўшни моддий манфаатдор қилиш йўли билан сақланарди.

Темур давлатида ҳарбийларга маош ишбай иш ҳақи шаклида берилган, маош миқдори ёзилган ёрлик ведомость томонидан сипохийларга тарқатилган. Темур иш ҳақи тариф сеткасини ўзига хос хусусияти билан юритди.

### 1-схема «СИСТЕМАГА СОЛИНГАН ТАРИФ СЕТКАСИ»

№	Мансаби	Ойликдаги фарк	Ойлик миқдори
1	Девонбеги		6000 от баҳосида
2	Вазирлар		6000 от баҳосида
3	Амирлар		600 от баҳосида
4	Мингбошилар		60 от баҳосида
5	Юзбошилар		20 от баҳосида
6	Унбошилар		10 от баҳосида
7	Баходирлар		2-4 от баҳосида
8	Оддий сипохийлар		Ўзи минган бир от баҳосида

Юқорида зикр этилган рус ҳарбий тарихчиси Иванин ҳам бериладиган маошлар миқдори ҳақида ёзиб қолдирган: «Амирлар маоши уларнинг обруйига қараб 1000 дан 10000 гача от нархи билан. Темур авлодлариники эса 12000 гача от нархи билан белгиланиб, уларга вилоят ҳам ҳадя этиларди. Қўшинлар маоши маҳсус бошлиқлар томонидан бошқариладиган, ҳарбий худудлар бўлинган ерлар ҳисобидан ҳамда баъзи шаҳар ва вилоят даромадларидан белгиланаарди. Темур хокимиятининг ўзи танга босиб чиқариши туфайли, ўтроқ ҳалқлар орасида жойлашган ва пул муносабатлари билан таниш бўлган қўшинларга пул билан маош тўланарди».

### 2 схема

Мансаби	Маош миқдори
Чопавул	1000 – 10000 тангагача
Қоракулчилар	1000 – 10000 тангагача
Пиёдлар	100 – 1000 тангагача
Хизматчилар	100 1000 тангагача
Фаррошлар	100 – 1000 тангагача
Ясовул	1000 – 10000 тангагача

Темур маърифат, маданият, илм-фаннынг ривожланишига катта ахамият берган ҳолда олимлар, фозиллар, саййидлар, мунажиммлар, киссаҳонлар, ҳакимлар, табиблар, хабарчилар ва тарихдонларга маош хусусида алоҳида фармон чиқарган эди. Уларга ўз холларига қараб суюрғол вазифа ва маош белгиланар эди. Бошқаларга эса арпа ва бошқа ер маҳсулотлари ҳисобидан маош белгиланган. Аммо от қиймат бирлиги сифатида қабул қилиниб, асосан маош сифатида берилади. Жанговор хизмат кўрсатган жангчиларга мукофотлар, мақтов, маошга қўшимча ҳақ тўлаш, ўлжа бўлишса улушнинг оширилиши, юқори мансабга кутариш, фахрий унвон бериш, баҳодир, мард, ботир ва бошқа номлар қўйиш сифатида берилса, бутун қўшинлар қисмига ноғора чалиб нишонлаш байроқ бериш ва ҳоказолар сифатида берилади.

Сипоҳийларнинг яхши меҳнати уларни юқори даражаларга эришишларига олиб келган.

Худди шу тарзда ўнбоши, юзбоши, мингбоши ва умуман барча мансабдор кишилар ўз лавозимларини ўзгартиришларига имконият яратилган. Моддий манфатдорлик, давлат хазинаси томонидан бериладиган инъом ва совғалар ҳар бир кишига ўз вазифасини сидқидилдан бажаришларига меҳнат интизомига риоя қилишларига олиб келган. Чунки лавозим қанча юқори бўлса маош ҳам шунча юқори миқдорда бўлган. Буни Темур тузукларидан билиб олиш мумкин. (80-83-бетлар).

Темур даврида иқтисодиётга таъсир қилувчи методлардан яна бири давлатнинг раъиятига, сипоҳларига субсидияга ўхшаш ёрдам маблағларининг белгиланишдир. Шу билан бирга Темур ўз салтанатида давлат хазинаси эвазига ижтимоий истеъмол фондини ҳам ташкил қилган. Бунга яққол мисол: хизматини ўтаб бўлган шахсларга нафақа тайинланган.

Темур сипоҳийларининг хизматларини қадрлаб, улар қарилик ёшига етсалар ҳам мартаба ва маошларини сақлаб колишига эътибор берган.

Соҳибқирон даргоҳига ёрдам сўраб келган кишини ҳар томонлама айниқса, моддий жиҳатдан таъминлашга ҳаракат қилган.

Масалан, сипоҳийлар вазифа эҳтиёжларига яраша моддий жиҳатдан таъминланганлар; хунармад ва маърифат аҳилларига салтанат корхоналаридан юмуш; билагида кучи бор факир мискинлар эса касби корига қараб иш билан; сармояси қўлидан кетган савдогарни эса хазинадан етарли сармоя билан таъминлаш; дехқонлар ва раъиятни эҳтиёжларга қараб, экин - тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилган (62-бет).

Соҳибқирон ўз салтанатида савдо-сотиқ ва тадбиркорлик ишларини ҳар томонлама ривожлантиришга интилган. Масалан, «сармояси қўлидан кетган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиш учун хазинадан етарлича миқдорда олтин берилган». Бу йуналиши билан:

1. Давлат хазинаси банк вазифасини бажаради;

2. Темур бу сармоя давлат хазинасига ортиқча % фоиз билан қайтишини билган ҳолда қрэдит бераётганилигини яхши билади;

3. Субсидия олган корхоналар давлатнинг дастлабки монополиясимон корхоналарига айланишининг дастлабки босқичи юз беради;

4. Субсидия олган корхонанинг бойиши давлат хазинасининг ва бевосита мамлакат халқи ва хўжалигининг бойишига олиб келади.

Мана шу иқтисодий сиёsatни ҳозирги шароитда фермер хўжаликларига, тадбиркор кишиларга, янги очилаётган қўшма ва хусусий корхоналарга қўллаш жуда тўғри сиёsatdir.

Давлат томонидан имтиёзга эга бўлган кишилар ана шундагина мамлакат иқтисодиётини кўтаришга ва барча соҳаларда меҳнат самарадорлигини оширишга эришадилар. Давлатнинг иқтисодиётига таъсир қилиш усулларидан бири савдо-сотикни ташки иқтисодий алоқаларни бошқариб туриши билан белгиланади. Темур ўз империясидаги шаҳарларни йирик савдо районларга айлантиришга интилди. Айниқса, пойтахт Самарқандни дунёдаги гўзал шаҳарлардан бирига айлантириш нияти амалга ошди.

#### **4.Амир Темур давлатининг чет эл давлатлари билан иқтисодий алоқаси.**

Самарқанд буюк ипак йўлининг чоррахасига айланди X. Вамбери бу ҳақида жуда ишонарли қилиб ёзган: «.....Самарқанднинг бутун Осиё савдосида мол омбори ўрнини олганлигини фаҳмлаш жуда осон деб уйлайман». Хусусан, бунда ички савдо яхши тараққий этиб катта аҳамиятга молик эди ва ниҳоятда улуш миқдорга эришган эди. Бу ерга Ҳиндистондан жуда кўп атторлик ва буёқ тижорати карвонлари келиб турарди. Хитой бу ерга ипак газламалар, чинни косалар, кадаҳлар, мушк, қимматбаҳо ақиқ тошлар юборарди. Мамалакатнинг шимол тарафидан ноёб пустинлар келар эди. Ушбу турли иқлиmlарнинг моллари Самарқанд бозорларида той-той бойланиб Осиёнинг энг катта шаҳарларига ва буюк ипак йўли орқали Ғарбий Европага жўнатилар эди. Савдогарлар бир йўл билан Хоразм, Астробод, Нижний Новгород, Москва йўли билан Пенза қулига борар эди. Ҳирот, Кавзин, Табриз, Трабуюн йўли билан генуяликларнинг, венецияликларнинг қўркинчли, серуруш замонлар бўлишига қарамай Темур хокимиyитининг сояси тушган ерларнинг барчасига савдо жуда жонли ва хавфсиз эди. Ташки иқтисодий алоқалар ичида энг муҳими Темур томонидан катта қийинчиликлар эвазига бажарилди. Темур ипак йўли деб аталган ва Европа мамлакатларидан Ҳиндистон ва Хитойга борадиган ҳамда яна Ўрта Осиё орқали Европа мамлакатларига қайта уланган асосий халқаро йўлларини эгаллаб, шу

йўлларда карvonларнинг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан бир қанча тадбирлар ошириди ва Шарқ билан Farb ўртасида савдо-сотиқ, дипломатик муносабатларини ҳар томонлама ривожлантиришга ғоят катта эътибор берди.

Ташқи савдони ривожлантириш билан бирга ички савдо-сотиқка кўра, Самарқанднинг шимолий-шарқида жойлашган Конигил ҳокимларининг сайилгоҳи бўлган. Самарқанддан Конигилгача бўлган йўл бўйича, Конигилнинг ўзида ҳам дуконлар, расталар, айвонлар қурилган бўлиб, буларда ҳунармандларнинг хилма-хил буюмлари ва савдогарларнинг моллари қўйилар эди.

Ўша даврда бу манзарани ўз кўзи билан кўрган кишиларнинг маълумотига кўра ҳатто байрам тантаналарини ўтказган вақтда савдогарлар ва ҳунармандлар ҳокимларнинг амри билан сайилгоҳ жойига борганларида ҳам ҳар бир касбга оид бугимлар алоҳида кўчага жойлаштирилган эди. Яъни ҳатто дўконлар ва ҳунармандчилик устахоналари бирон жойга вактинча кўчирилганига ҳам, улар ўз ишлаб чиқариш белгиларига қараб жойлаштирилар эди.

Темур Самарқандда савдо-сотиқни ривожлантириш савдо аҳлига ҳамма шароитни яратиш мақсадида шаҳарда кенг кўламда қурилиш ишлари олиб борилди. Шарафуддин Али Яздий ҳам, Руи Гонзалес де Клавехо ҳам шундай хабар қиласидар. Клавихо бундай ёзади: «Самарқанд шаҳрида Хитойдан, Ҳиндистондан, Татаристондан ва бошқа турли жойлардан келтирилган ҳамда Самарқанд подшолигининг ўзида ишланган ҳар хил моллар сотилган.... Унда барча нарсаларни тартиб билан сотиш учун катта жой бўлмаган, подшо шаҳар бўйлаб катта кўча чиқаришни, унинг икки томонига мол сотиш учун раста ва дуконлар қуришни буорди. Бу кўча шаҳарнинг бир четидан бошланиб ва бутун шаҳар орқали ўтиб, иккинчи четигача бориб етиши керак эди. Подшо бу ишини ўзининг икки мировсига топшириди ва улар бу вазифани бажаришга астойдил киришмаса, кишиларни эртаю кеч ишлашга мажбур этмаса, у ҳолда бошлари кетишини ўқтириди. Мировлар ишга киришдилар. Подшох кўрсатиб берган ердан кўча қурила бошлади. Кўча ўтадиган ерларда учрайдиган уй жойлар кимники бўлишидан қаътий назар бўзиб текисланди. Уй эгалари ҳам бу аҳволни кўриб бор йуқ нарсаларини олиб бошқа жойга кўчиб кетишдилар. Бир гурух одамлар бўзиш ишларини тугатиши биланоқ бошқа бирлари шу ондаёқ қурилишни бошлаб юборишар эди.

Кўчани кенг олиб, унинг икки томонига савдо дуконлари қуриш, ҳар бир дукон олдида курсилар қўйилди. Барча дуконлар икки қаватли бўлиб унинг тепаси эса бутун кўча бўйлаб гумбаз қилиб қоплаб олинган, ёруғлик тушиши учун гумбаз саҳнида деразалар ўрнатилган эди. Дуконлар битиши билан уларга турли хил мол сотувчи савдогарларни жойлаштириши. Кўчанинг ҳар-ҳар жойида ховузлар қазилган бўлиб уларга сув тўлғазиб қўйилганди. Бу ерда ишлаётганлар маошни шаҳар хисобидан олар эди. Ана шу ишга боғлиқ киши қанча одам талаб килса шунча олиб ишлатишлари мумкин эди. Кундуз куни ишлаган ишчилар кеч кириши

билинг үйларига кетишар ва уларнинг ўрнига кечаси ишлаш учун бошқалари келишар эди.

Темур даврида давлатнинг мамлакат иқтисодиётига кўрсатган таъсири натижасида ишлаб чиқаришни ихтисослаширишнинг ўсиши меҳнат унумдорлигининг ошишига таъсир кўрсатади.

Шаҳарлар чегарасини янада кенгайтиришга олиб келди, шаҳар хаёти билан узвий боғлиқ бўлган Самарқанд атрофида яшовчи аҳолини шаҳардаги ҳунармадчилик ишларига жалб қила борди. Буларнинг ҳаммаси савдо дуконлари, ҳунармадчилик устахоналари қуришни кўчайтириш ва кўпайтиришга, янги бозорлари, савдо расталари ва карвонсаройларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Лекин ишлаб чиқаришнинг ихтисослашиш жараёни, ҳунармандчилик буюмларига бўлган талабнинг ортиши шаҳарнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиши натижасида рўй берди.

Хулоса қилиб айтганда, Темур даврида давлат иқтисодини бошқариш воситаларининг ва социал муамоларини бутун бир комплексни ҳал қилишга, иқтисодий фаолликни барқарорлаширишга, юксак ўсиш суръатларини рағбатлантиришга, тузатиш ўзгаришларини таъминлашга, юксак ўсиш суръатларини рағбатлантиришга, савдо-сотиқни назорат қилишга, социал низоларни бартараф қилишга эришди.

Иккинчи давр. 1402-йили Анқара шаҳри яқинидаги Боязиднинг икки юз минглик қўшинининг тор-мор қилиниши ва асир туширилиши Темурнинг Фарбий Европа мамлакатларида машҳур бўлишига сабаб бўлди. Самарқанд билан Европа мамлакатлари ўртасида дипломатик ва савдо алоқаларининг кўчайиши шу даврга тўғри келади.

Темур давлатининг ривожланишини савдо-сотиқ орқали амалга ошириш мумкинлигини биларди. Шу сабабли эски ипак йўлини Мовороуннахрда қайта тиклаш мақсадида ҳарбий истилочилик юришлари қилди.

Темур давлатининг иқтисодий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатган қўшни мамлакатлар билан савдо-сотиқ алоқалари маданий, иқтисодий соҳаларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Буюк ипак йўлига қисқача таъриф берсак мақсадга мувофиқ бўлади. Шундай қилиб, Буюк ипак йўли эрамиздан олдинги иккинчи минг йилликда пайдо бўлган. Япония оролларидан бошланиб Осиё қитъасига қадар чўзилиб келган. Унинг узунлиги 12000 км. дан зиёд. У маҳалларда асосий ўлов тул, от айrim жойларда бўлган ва асосан одамлар пиёда йўл юрганлар. 1877-йили немис сайёхи ва тарихчиси Ритхофен ўзининг кейин улуг бўлиб кетган «Хитой» асарида шарқ мамлакатларини кесиб ўтган мазкур қадимиј йўлни биринчи маротаба ипак йўли деб атайди.

Ипак йўли Италия, Испания ва Ўрта Ер денгизи бўйидаги бошқа мамлакатлар савдо карвонлари ўтадиган Оссурия бандаргоҳларидан бошланиб Тир, Дамашқ, Онадули ва Бағдод, сўнг Парфиёна орқали шарқка йўналган ва Ўрта Осиёнинг бу даврдаги қудратли, қадимиј ва бой Марв шаҳрига етиб келган. Худди шу ерда ипак йўли жануб ва шимолга йўналувчи иккита тармоққа ажратилган. Бу эса кўплаб давлатларнинг

айнан шу йўл ўзлари тасарруфидаги ерлардан ўтишидан манфаатдор бўлишидан келиб чиқсан. Шубҳасиз, бу савдо йўлидан молни олиб кетаётган ҳар бир савдогарнинг ўз-ўзича қизиқиши ҳам бўлиб, улар излари манфатдорлик туйган мамлакатларга ҳам йўл олаверган. Ҳар бир мамлакатда эса турли туман молларига эҳтиёж сезилган ҳар бир савдогар эса ўз моллари сотилиши ва ўзига керакли нарсани ҳарид қилишини назарда тутиб энг аввало ўз фойдаларини кўзлаган.

Шундай қилиб, йўлнинг жануб тармоғи Балхга томон йўналиб, сўнг Термиз ёнидан Ёркент, Хутанга етиб борган. Яна бир неча минг минг км. йўл босилиб Дуанхуанга чиқилган ва Ипак йўлининг шимолий тармоғи билан туташган.

Ипак йўлининг Марвдан бошланган шимолий тармоғи Қарши томонга йўналиб, сўнг Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона водийси орқали Ўш ва Турфанга етиб борган. Ҳар икки тармоқ Дуанхуандан кесишгач, Ипак йўли Ланъҷой орқали бутун Хитойни кесиб ўтиб, Япон денгизига чиқиб борган («Заргар қутиси» Евгений Берозовиков китоби 63-64 бетлар). Шу тарзда Темур ўзининг юришларини Ипак йўли магистрали ўтган шаҳарларга қилишга ҳаракат қилди.

Масалан, 1381-йил куртлар давлатининг пойтахти Ҳирот шаҳри босиб олинди. Энди этибор беринг, ўша даврда Ҳирот асосий Фарғона савдо магистрали ўтган чорраҳада жойлашган эди. Ҳирот шаҳри орқали Хитойдан яқин Шарқ ва Европа мамлакатларига қараб асосий йўл ўтган эди. Шу сабабли йўлга жанубдан Ҳиндистон карvon йўли ҳам келиб туташганди. Ҳиротда ўн икки минга яқин савдо дуконлари, карvonсарой, тегирмон, ҳамомлардан ташқари, 360 яқин ўқув бинолари, дарвеш йиғинлари ўтказиладиган жойлар, мачит ва мадрасалар бор эди. Ҳирот бозорларида ипак ва паҳтадан тикилган буюмлар, паранжи, чойшаб, ёстик, кимхоб, румоллар, намат, гилам, салла учун маҳсус матолар, дошқозонлар ва пўлатдан ясалган турли хил буюмлар ҳаддан ташқари кўп эди. Ишлаб чиқариш даражаси бўйича Ҳиротга олтин, кумуш, феруза, ёқут, лаъл, кумуш, нитрат каби қимматбаҳо газлама бойликларига бой Дамашк шаҳригина тенг кела оларди. Ҳирот бозорларида от, хачир, майда мол, тuya ва қулларни арzon нархларда сотиб олиш мумкин эди. Хулоса қилиб айтганда, Ҳирот ипак йўли ўтадиган йирик шаҳар эди.

Темур Хоразм давлатига 1372-йилдан 1388-йилга қадар 5 марта юриш қилди. 1388-йилда Хоразм ерлари ўзил-кесил Темур империяси таркибиغا кўшиб олинди. Баъзи адабиётларда тўрт марта юриш қилган дейилади.

XIV асрнинг 60-йилларига қадар Хоразм Олтин Урданинг таркибий қисми бўлиб, Урганч савдо-сотик борасида катта ўрин тутарди. Моворауннаҳр ва Хитойдан борувчи савдо йўлларидан бири айнан шу ердан ўтарди. Урганчнинг савдо соҳасидаги воситачилик мавқеини Ибн Араб Шоҳ шундай тарифлайди: «Саёҳатчиларнинг от аравалари Хоразмни четлаб ўтмас эди. От араваларда ҳеч қандай хавф-хатарсиз томоша қилиб, Кримга қадар етиб бораардилар. Саёҳат уч ойгача чўзиларди. Бепоён кумлик худуди дengiz каби беҳад эди. Энг тажрибали ва моҳир одамлар

ҳам йўлни кўрсата олмасди. Халойик қўпчилиги ва тўла хавфсизлиги туфайли одамлардан таом ва сув олишарди. Бусиз йўлда давом этиш мушкул эди. Сайёхлар ўзларининг самимий қаршиланганларидан бошқа ҳеч кимницида тўхтамас эдилар.

Амир Темур Олтин Урда хони Тухтамишга қарши 1389, 1391, 1394-1395-йилларда 3 марта юриш қилиб, уни енгди ва Олтин Урданинг қудратини синдиришга муваффақ бўлди. Олтин Урда давлатнинг XIII-XIV асрдаги қисқача ташқи иқтисодий алоқаларига назар солиб кўрсак Темурнинг бу давлатни нима учун истило қилганлигини тушунамиз. Олтин Урда давлати қуи Волганинг шарқий қирғоғида жойлашган сарой Берка шаҳрини пойтахт қилган эди. Шаҳар кенг яйловлар билан ўралган ҳосилдор ерлар ва йирик савдо йўллари чорраҳаларидан бирида жойлашган эди.

Савдо йўлларида энг муҳими. Болгариядан Волгага паралел равишда йўналган бўлиб, Хитой, Ҳиндистон, Европа мамлакатларининг савдо йўлларини боғловчи қитъалараро магистралга келиб туташган эди. Сурияда ўз савдо базаларидан ажralган Ғарб мамлакатларининг савдогарлари Кора денгиз қирғоқлари бўйлаб ўз савдо калонияларини келтиришга муваффақ бўлдилар.

Венеция ва Генуялик савдогарлар савдо калонияларини Кримнинг шарқий соҳилларидан Тодон дарёсининг қўйилиш жойи Тангача бўлган территорияда жойлаштирган эдилар. Савдо калониялари шимолий савдо йўналишларини Хитойдан Волга орқали ўтадиган энг чекка Ғарбий маркази бўлишдан ташқари XIV аср охирларига қадар халқаро савдонинг асосий марказларидан бирига айланди.

Олтин Ўрда хонларининг ҳаммаси давлатнинг асосий даромад манбай савдо-сотиқдан келишини англаған ҳолда, бу йўлларга ҳомийлик қилдилар, Батухон, унинг укаси Беркахон (1256-1266 йил) ва айниқса Ўзбекхон (1312-1340 йил) Олтин Урда худудидан ўтган барча савдо йўлларида ҳам хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қатъий чоралар кўрди. Олтин Урда Хитойдан Утрор ва Хоразм, Қуи Волга бўйи, Азов, Крим орқали Европага ўтадиган шимолий қитъалараро савдо йўлининг катта қисмида ҳукмронлик ўрнатади. Ўзбекхон Кафф шаҳрида Венецияликлар билан шартнома тузди. Шартномага мувофиқ Венецияликлар Тан шаҳрида савдо марказларига эга бўлишга рухсат этилганлиги учун Олтин Урда давлатига савдо-сотиқдан келадиган фойданинг 3 фоизи микдорида бож тўлашлари керак эди. Тан шаҳри бозорларида турли истеъмол маҳсулотлари, айниқса буғдой, туз, вино, пишлок, ипак, хинд дориворларининг бозори чаққон эди. Шу билан бирга рус ва татар болаларини қул сифатида сотиш қизғин кетарди. Генуяликлар савдо-сотиқ қилишларига рухсат берганликлари эвазига Каспий денгизи флотининг фаолиятига ёрдам беришлари керак эди. Сарой Берка шаҳрининг ўзида эса савдо билан шуғуланувчи кишиларга барча имкониятлар яратиб берилган эди.

Шимолий савдо йўли мавжуд бўлар экан Темур империяси иқтисодий курдатининг ортишига умид қилиб бўлмаслигини жуда яхши биларди. Тухтамишхон ва унинг қиблагоҳи Темур ўртасидаги низо-нифоқ Европани олд ва Ўрта Осиё билан боғлаб турувчи савдо йўлларини эгаллашга бўлган саъй ҳаракатларидан келиб чиқсан. Ана шундай йўлларнинг бири рус жанубидан Қора ва Кулзум (Каспий денгизи) соҳиллари бўйлаб, иккинчиси Каспий жанубидаги Шом, Кичик Осиё, Кавказорти, Эрон, Самарқанд орқали туташади. Беркахон давридан бери Олтин Урда хонлари дастлабки савдо йўлини эгаллаган бўлсада иккинчисини ҳам қўлга олиш, жилла курса кесиб ташлашни, биринчи навбатда бой Табриз шаҳрини эгаллашни орзу қиласар эдилар. Илк муваффақиятли ўриниш Жонибекхон томонидан 1356-1357-йилда уюштирилган бўлиб Озарбайжон ва Табриз ишғол этилган эди.

Аммо унинг вориси бўлган Бердигек даврида Табриз аввал Музрафайилар, кейин Жалойирийлар қўлига ўтди. Тухтамишхон бу уриниши фақат такрорлади холос.

Табризни босиб олиш Эрон иқтисодиётига ва унинг савдо йўлига кучли зарба бериб мамлакат тараққиётига хавф соларди. Бу режа Эрондаги хукмрон кучларнинг қаттиқ ғашини келтириши табиий эди. Аввалига Жалойирийлар, сўнгра Темур Олтин Урданинг бу режасига қарши эдилар.

Шомий берган маълумотларга қараганда Темур собиқ Жалойирийлар хукмронлигидаги Озарбайжонга ўзига қарам улус тариқасида қўз тиккан. Шундай қилиб 1385 – 1386 йилда Олтин Урдаликларнинг Озарбайжон ва Табризга бостириб кириши Олтин Урда хони ва Самарқанд ўртасида ихтилоф олиб келди. Улар ўртасидаги жанг чиқишига иккинчи сабаб Дашиби Қипчоқнинг шимолий қисмини эгаллашга бўлган интилиши билан боғланади. Темур Олтин Урда хонининг Кавказ ва Эронга киришини истамас, аксинча ўз хукмронлиги остида бўлиши ёки шимолий савдо йўлини ўзиб ташлашини хоҳларди. Аммо Дашиби Қипчоқ ерларини ўз тасарруфига қўшиб олишни хаёлига ҳам келтирмаган бўлиши мумкин. Чунки ҳарбий нуктаи назардан бу жуда қийин эди.

Кейинчалик 1395-йилда Шимолий Кавказ ва Терек дарёси бўйида Темур билан Тухтамиш ўртасида шиддатли жанг бўлиб, Темур қўшинларининг ғалабаси билан якунланди.

Темур сарой Беркани босиб олди. “Мўзаффар қўшин Сарой Берканинг кулини кўкга совурди, туб халқ ва ургулар бисотини мусодара этди. Сарой Берканинг емирилиши Дашиби Қипчоқ қўшинларининг З саройини ер билан битта қилишига қарши олинган қасос эди. Чунки ўша пайтда Темур Эрон ва Ироқни забт этиш билан овора эди. Хувиллаб қолган Мовароуннахрдаги Қозон Султонхон саройини даштиклар ер билан битта қилишган эди”. деб ёзади Яздий.

1395-йили Олтин Урдада бўлиб ўтган воқеалар хусусида рус ийлномаларида батафсил маълумотлар сақланиб қолган. Ибн Арабшоҳ эса мана бундай деб ёзади: «У қўлга тушган ўлжани лашкарларига улашди.

бир қисми йўл бўлиб, у мустак ёнғоги, чиннигул, занжабил, долчин келтирилар эди. Қипчоқ даштларидан Сирдарё орқали муйна чарм буюмлари, канопдан қилинган маҳсулотлар, Шарқда савдо йўли орқали Хитойдан эса ипак, қимматбаҳо тошлар, ақик, марварид, дур, доривор гиёхлар ва чинни буюмлари олиб келинарди».

Божхона божлари, солиқлари савдо йўли туташган ҳар бир шаҳар ва йўллар кесишган чорраҳаларда савдо карвонларидан ундирилади. Мусулмон бўлмаганлардан бож мусулмонларга нисбатан икки баробар ортиқ олинарди. Савдодан тушган даромаднинг катта қисмини бевосита Темурнинг ўзи оларди. Савдогарларнинг товарлари Темур империяси худудларида ўтириланса ёки йўқолса, ўша воқеа юз берган вилоят савдогарга маҳсулотларининг 2 баробар миқдорида компенсация тўлар, Темурга эса беш карра ортиқ миқдорда жарима тўлар эдилар.

Шундай қилиб, Темур ҳукмронлигининг биринчи даврида ташқи иқтисодий сиёсатдаги асосий вазифани бажарди. Ўрта Осиё орқали ўтадиган, тарихда Ипак йўли деб аталмиш халқаро йўлнинг барча асосий трассаларини эгаллаб олиб, Машриқ ва Марғит ўртасидаги савдо-сотиқ муносабатларини ҳар томонлама ривожлантиришга ғоятда катта эътибор берди.

XV асрнинг бошларида Темур давлатининг ташқи иқтисодий алоқаларида янги бир ўзига хос давр бошланди.

XIV аср охири XV асрнинг бошларида Болқон ярим ороли тарихида Туркияning ҳарбий қудрати тез ўса борди. Туркларнинг Европа халқлари билан биринчи катта тўқнашуви 1389-йилда, Сербиянинг Косова майдонида бўлди. Турклар бир қанча ғалабаларни қўлга киритиб, Сербия ва Болгарияни босиб олди, Болгария рицарларини мағлубиятга учратди. Византия императори Маниул Палеолог Европадаги қирол саройларига шахсан бориб, улардан ёрдам сўрашга жазм қилди.

Аммо Европа мамлакатларининг ҳукмдорлари Византия императорини яхши қабул қилмадилар. Европа давлатлари хавфнинг олдини олиш воситаларини турли йўллар билан қидирад, ўзларини қуткариб қолиш учун ҳар қандай битимлар тўзишга тайёр эди.

Бирорлар ўз рақибларига қарши кураш олиб бориш учун турклар билан битим тўзиш мақсадида улар олдида хушомадгүйлик қилар, бошқа бирорлар туркларга қарши курашмок учун папа бошчилигига каолиция тўзишга умид боғлар эдилар.

Тез орада халқаро аҳвол ўзгарди. Усмон империясининг ўзини ҳам хавф-хатар остида қолдирган воқеалар руй берди. Темур Боязиднинг кичик Осиёдаги энг хавфли рақиби бўлди. Бу ерда энди икки истилочининг ўша вақтда ўз ҳарбий қудрати жиҳатидан энг юксалган Темур ва Фарбий Европага даҳшат солиб турган Боязиднинг манфаатлари дуч келди. Боязиддан енгилиб, ер мулкларидан маҳрум бўлган кичик Осиё мамлакатларининг амирлари Темурдан бошпана топдилар ва уни Усмон империяси территориясига бостириб кириб, туркларни бир ёқли қилишга ундаладилар.

Фарбдаги христиан давлатларининг: Византия императори ва Генуя ҳокими Галат, Француз Қироли Карл XI, Султония шаҳрининг католик миссионерлари (Шимолий Эронда) ёрдам сўраб, Темурга мурожаат қилганликлари Темурнинг Боязидга қарши кураш бошлишига туртки бўлди. Темур Туркия билан бўлажак тўқнашувда ўзининг қуруқлиқдаги операцияларини, Италянлар ва Грекларнинг денгиздаги ҳаракатлари билан мувофиқлаштириб олиб боришга умид боғлаган бўлса керак. Шунинг учун ҳам Темурга Терапезунд билан Константинопол ёрдам бериши зарур эди, бу жойларда ҳали ҳам ҳарбий кемалар бор эди. Темурнинг ўша вақтда йирик денгиз кучларига эга бўлган Генуя билан Венецияга совға ва хатлар билан элчилар юбориши шу мақсадни назарда тўтган бўлиши эҳтимол. 1402-йилнинг баҳорида Испаниялик ва Константинополлик элчилар Терапизунд орқали Амир Темурнинг олдига келган вақтда, Византия императори Маниул Полеологнинг замондоши Трапезунд императори Маниул Эфра дарёси қирғоқлари бўйида Темурга тусқинлик қилмоқчи бўлиб бир неча бор суст уринишлардан кейин итоат этди ва шахсан ўзи унинг олдига келди. Темур Трапеузундга юриш бошлаб императорни ўз мамлакати билан ҳарбий ҳаракатларида қатнашишига мажбур этди.

Шу йилнинг 28-июлида 200 мингдан ортиқ қўшин билан Боязид Йилдирим қўшинларини мағлубиятга учратдилар.

А.Ю.Якубовский Темурнинг Европа халқларига кўрсатган хизмати ҳақида шундай ёзади «1400-йилда Темур аскарлари Ўрта Осиёдан ўзокда, Фарбда Турк Султони Боязид ва Миср султони Faражга қарши уруш очиб беради ва ўша вақтда Темур қўп халқларни масалан, кичик Осиёдаги Сивасини, Суриядаги Халап (Алеппо)ни ўзига қаратиб олган эди. 1402- йилда Анқарада Темур иккинчи марта Боязид билан жанг қилди. Бу жанг ўша даврдаги энг катта жанглардан бўлган эди. Ҳар икки томондан 200 мингдан ортиқ аскар қатнашди. Анқара ёнида бўлган жангда Усмон Султонни қўшинлари батамом тор-мор этилди ва Боязид аср олинди. Бу ғалаба Осиё тарихи учунгина аҳамиятли бўлиб қолмади. Темур ўзининг бу ғалабаси билан Европа халқларига иккинчи марта хизмат қилди. Анқара ёнидаги бу ғалаба ва Боязиднинг асир олиниши Константинополнинг турклар-усманийлар томонидан босиб олинишини қарийб 50 йил орқага суреб юборди».

Бу ерда шуни ҳам айтиш керакки, Темур шимолий Африка халқлари, жумладан, Миср халқига ҳам ёрдам кўрсатди. Чунки Боязид уларнинг ерларига ҳам хавф тўғдириб туради. Кейинчалик Миср ҳам Византия каби Темур ҳокимиютини урушсиз тан олди ва унга бўйсунди. А.Ю.Якубовский Темурнинг Европа халқларига кўрсатган яна бир тарихий хизмати тўғрисида фикр юритган.

Уни қўйида келтирамиз: «Тухтамиш қўшинининг Терек дарёси бўйида тор-мор этилиши ва 1395-йилда Берка Саройининг ҳароб қилиниши Олтин Урдага жуда кучли зарба бўлди, шундан кейин у ўзини хеч ўнглай олмади. Қадимги Русга қанчадан-қанча жабр-зулм ўтказган

давлат жуда заифлашди. 1395-йилдан кейин эса Олтин Урда тушкунликка тўша бошлади. Мамай қўшинларининг 1380-йилда Куликово даштида тор-мор этилиши Олтин Урдага берилган биринчи зарба эди. 1395-йилда Терек дарёси бўйидаги мағлубият ва саройнинг тор-мор қилиниши эса Олтин Ўрдага берилган охирги зарба бўлди.

Темур Ўрта Осиё манфаатларини кўзлаган ҳамда Москва князлари билан алоқа боғламаган ҳолда Олтин Урдага кураш натижасида Ўрта Осиёни бирлаштирибгина қолмасдан, балки объектив равишда Рус учун жуда катта хизмат қилди».

Темур кичик Осиёда бўлган вақтида Боязид билан дипломатик алоқа олиб боришдан ташқари Трапезунд ва Константинополдан денгизда ўзига мадад қидириш, шу билан бирга, Ғарбий Европадаги анча олис давлатлар: Валўз сулоласидан бўлган Француз Қироли Карл XI (1380-1422) ва Англия қироли Генрих IX Лакастерский (1399-1413) билан дипломатик ёзишмалар олиб борган эди. Ёзишмаларга қараганда европаликларни ҳам, Темурнинг ҳам битта умумий душмани қудратли Усмон империяси бор эди.

Франция Византия империясининг тақдирига бевосита қизиқар эди. Генуяликлар француз фуқароларининг ер ва мулкларини, айниқса уларнинг Палатадаги калонияларини ҳимоя қилиш учун Франция Темурдан мадад кутар ва у билан дипломатик муносабатлар ўрнатишига уринар эди.

Темур билан Карл VI ўртасидаги сақланиб қолган ёзишмалар ҳарактерига кўра, Карл VI нинг таклифлари рад этилмаган ва француз қиролини Темур жиддий қўллаб қўвватлаган деб айтиш мумкин. Уларнинг бир-бирларига расмий элчилар юборганликлари тўғрисида бизда маълумотлар йўқ, бироқ Париж миллий кутубхонасида сақланаётган улар ўртасидаги дипломатик ёзишмалар эса Анқара жангидан кейинги даврга тааллуқлидир. Темур билан Карл VI ўртасидаги ана шу ёзишмалар XIX асрнинг бошларида таниқли француз шарқшуноси Силвестр де Саси биринчи бўлиб шуғулланган эди. Ана шундан 100 йилдан кўпроқ вақт мобайнида гарчи Ғарбий Европа олимлари француз шарқшуносининг асарига мурожат этиб турган бўлса-да ушбу масалага бағишлиланган маҳсус асарлар пайдо бўлмади.

1928-йил Бомбейда Эрон шарқшуноси Мирзо Муҳаммаджон Казвинийнинг мақолалар тўплами нашр этилди. Ана шулар орасида битта мақола Темурнинг Карл VI га ёзган хатига бағишлиланган эди. Темурнинг Карл VI га ёзган форс тожик тилидаги хатининг «Иқтисодий масалага бағишлиланган жойидан ташқари иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга ҳаракат қилганликларини билса бўлади:

«Бундан ташқари, ана шу (бизнинг мамлакатимиз)га савдогарларингизни юбориб туришингизни эҳтиром билан кутиб оламиз. Бизнинг савдогарларимиз ҳам сизнинг ўлкангизга боришилари керак ва уларга ана шундай ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилишига ишонамиз. Уларга ҳеч ким зўрлик қилмайди ва ортиқча ҳақ олмайди. Чунки дунё савдогарлар туфайлигина гуллаб-яшнамоқда».

Биз яна нималарни ҳал этишимиз мумкин. Подшолигингиз ўзок йиллар баҳтиёр бўлсин. Салом билан! 805-хижрий йилнинг муқаддас мұхаррам ойининг биринчи кунида ёзилган» бу хатнинг асл нусхаси аввалига шубҳа тўғдирмайди, чунки унинг икки жойига унча катта бўлмаган муҳри босилган эди.

Париждаги миллий кутубхонада Темурнинг Карл VI га ёзган иккинчи хати ҳам сақланмоқда. Иккинчи хат ҳам 1402-йилнинг 1-августидаги ёзилган. Бу хатда Темурнинг Боязид устидан қозонган ғалабаси тўғрисида гап боради.

Темурнинг Карл VI га ёзган хатининг таржимаси куйидагича: «биз Темур Курагоний сўзимиз. Дунёнинг мутабар ва мўзаффар ҳокими, буюк жангларда ғолиб чиққан малик ва султон французлар ва бошқа кўпгина ҳалқларнинг қироли, сизга саломат йўллайман ва тинчлик тилайман.

Биз чин дўстларга хос бўлганидек, ҳамишагидек баҳтиёр бўлишингизни истайман: сизнинг номингиз шунчалик-машҳурки, олис - олис мамлакатларгача ҳам етиб борган ва сизнинг шон-шуҳратингиз барча подшоҳлар орасида кенг тарқалганини биз учун шарқнинг архиепинскопи монах Иоанндан эшитдики, у илгари менинг хузуримга қандайдир французлар томонидан юборилган эди, очигини айтганда монах Франческо Сатру томонидан юборилган экан, биз сизнинг ҳокимиятингиз кучи кўпгина мамлакатларга тарқалганлиги ва айниқса ана шу мамлакатларга ёйилганлигини эшитиб жуда шод бўлдик. Бу ҳақда яқинда Туркияда бўлганимизда эшитдик.

Бундан ташқари савдогарларнинг фойдалари ҳақида кўпгина ажойиб ишлар ҳақида сизнинг саройингиздаги улуғворлик, қудрат ва тартиб ҳақида шунингдек, сизнинг турк султони ҳақида Боязидга душман эканингизни эшитиб яна ҳам қувондик».

Қонун ва динга қараганда Боязид мен билан бирга бўлиши керак эди, бироқ у мен билан бирга ва дўстлари билан тўзилган шартномага риоя қилмади, шунинг учун биз уни маҳф этишга қарор қилдик ва юқоридаги монахлар гапини эшитиб ва сизнинг вакилларингиз томонидан берилган ваъдага асосан, биз Туркия чегараларидан утиб, сизнинг ҳам бизнинг ҳам душманинмизни худои таволлонинг ёрдамида қисқа вақт ичida Боязидни ҳам, мамлакатни ҳам тор мор қилдик, улуг давлатлар ва дустлар шу каби катта ишлар тўғрисида хабарлашиб туриш одати мавжуд бўлганлиги учун ҳам биз ҳазрати ҳазрати олийлари хўзурига архиепископ Иоаннни юбордик.

Уни биз сизнинг шу билан бирга бизнинг ҳам кишимиз сифатида юбордик, у бизнинг аҳволимиз тўғрисида, бу ердаги мамлакатлар ҳақида ва сизнинг ракибингиз тўғрисида батафсил гапириб беради, шунингдек, ана шу кунларда сизнинг одамларингизга барча ҳурмат ва эҳтиромни ўрнатдик: сиз диний ишлардан ташқари ҳамма ишда ишончли киши бўлган унинг оғиздан эшитинг.

Биз сизнинг аҳволингиз яхшилиги ҳақида эшитишни истаймиз, бундан кейин сизнинг одамларингиз ва бизнинг ерларимиз, бизнинг кишиларимиз ва сизнинг ўлкангиз кишилари ўтган авлодларимиз

давридагидек, бориб келиб турсалар сизнинг ва бизнинг номимизни ҳамма жойда олкишлаб турсалар, мамлакатимиз савдогарлари учун фойда келтиришса, кўп хурсанд бўлар эдик. Шуни ҳам айтиш керакки эндиликда бизнинг юртимизда савдогарларингизнинг хафвсизлиги таъминланади, айтилиши лозим бўлган бошқа ишлар ва алоқаларнинг ҳаммаси тўғрисида юқорида номи тилга олинган архиепископ гапириб беради. Чунки бу ерларда ўзок вақт бўлиб, кўпгина нарсалардан хабардор. Сабаeta (Сивас) яқинида муҳаррам ойининг биринчи куни, муҳаммад йилининг саккиз юз бешинчисида ёзилган.

Карл VI ҳам ўз навбатида Темурга жавоб хати ёзган. Биз бу хатни тўлиқ бериб ўтирумаймиз, фақатгина савдо-сотиқка оид бўлган жойидан бир лавҳа келтирамиз.

«.... бизнинг савдогариларимиз ва бошқа христианлар савдо-сотиқ қилишлари ва айни вақтда сизнинг фуқаролигингиз билан шартнома тузишлари ҳамда қаршиликсиз ўзаро савдо ишлари олиб боришлари, шунингдек бунда кейин барча ерларда ва жойларда шонли отабоболаримиз давридагидек ҳозир ҳам, бунинг учун биз аввало, сиз жаноб олийларига ташаккур ва миннатдорчилик билдирамиз сизнинг одамларингиз бемалол бизнинг ерларимизга келишлари ҳам савдо-сотиқ қилишларига ва кўпгина бошқа масалаларда бажону дил розимиз ва шундай бўлишини истаймиз.

Парижда ёзилган ҳазрати Исо пайғамбар йилининг бир минг тўрт юз учинчиси, июнъ ойининг ўн бешинчи куни».

Хатда Франция ва Темур давлати ўртасида савдо алоқаларини ривожлантиришга катта урғу берилган.

Темур Англия давлати билан ҳам дипломатик муносабатлар ўрнатишга ҳаракат қилиб турди. Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳ бу борада бир қанча муваффақиятларга эришди. Мироншохнинг Генрих IV га ёзган мактуби сақланиб қолган. Мактубнинг охирида савдо муносабатларини ривожлантириш тўғрисидаги масала тилга олинади: «Савдогарларга қолганда сизнинг савдогарларингиз ҳозирги вақтда улар хавф-хатарсиз бўлганларидек, хавф хатарсиз биз томонларга келиши ва бизнинг одамларимиз ҳам хавф хатарсиз бўлишини истаймиз, гарчи бизнинг ўртамида диний тафовут бўлса ҳам сизнинг кишиларингиз хавф хатарсиз бўларди, чунки бу дунёда меҳр-муҳаббат бор. Биз кўпларнинг айниқса савдогарларнинг наф кўриши тўғрисида ғамҳурлик қилишимиз керак».

Мактубнинг қачон ёзилганлиги ҳақида аниқ бир фикр йўқ. Мактубнинг охирида 1402-йил 22-май билан 21-июн ўртасида ёзилган дейилган, лекин Силвестир де Сасининг фикрича мктуб 1402-йилнинг июнида ёзилган деб таъкидланади. Англия қироли Генрих IV нинг Темурга ёзган мактубини ҳам қисқача қараб чиқамиз. Бу мактуб ҳозир Британия музейида сақланмоқда. Мактубда Генрих IV Темурдан ўз савдогарларига барча имкониятлар яратиб берилишини сўраган. «... миннатдорчилик билан чин қалдан сўраймизки, бундан кейин

бизнинг савдогарларимизнинг мамлакатингизда бемалол юришларига имкон тўғилса»

Тарихий манба касб этган мактубларини яхшилаб ўрганиб чиқилса, ҳар бирида иқтисодий алоқалар тўғрисида фикр юритилганига гувоҳ бўламиз. Темур давлати ташқи иқтисодий алоқаларининг иккинчи даври тинч ҳолатда ўтди. Ўша даврда халқимизнинг бошқа давлатлар билан савдо-сотик, тижорат ишларини ривожлантиришга интилганликлари, энг муҳими иқтисодий алоқалар тенглик ва ўзаро хурмат асосида олиб борилгани катта аҳамиятга эгадир.

## **5.Амир Темур давлатининг ички иқтисодий сиёсати.**

Мамлакатнинг ички иқтисодиётини ривожлантириш учун ташқи иқтисодий алоқаларга ҳам эътиборни ошириш лозим. Ҳозирги даврда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантирибгина Ўзбекистон Республикасининг сиёсий мавқиени ва иқтисодий даражасини кўтариши мумкин. Бу нарса Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятида кўриниб турибди. Амир Темур давлатида ҳам ички иқтисодий сиёсатини ривожлантиришда бир қатор йўналишларга ва омилларга алоҳида эътибор қаратган:

- а) давлатнинг ички иқтисодий сиёсати;
- б) қўшин иқтисодиёти;
- в) архитектура-меморчилик;
- г) савдо-сотик;
- д) ҳунармандчилик.

Темур Мовароуннаҳр сиёсий ҳаётига XIV асрнинг 50-йиллари охири ва 60-йиллари бошларида кириб келди. Бу вактда Чигатой улусига қарашли бўлган Мовароуннаҳр таркоқ, майда-майда феодал давлатларига бўлиниб кетган эди. Кеш, Бухоро, Термиз, Бадахшон, Хўжанд, Шош, (Тошкент ва бошқа қатор вилоятлар ҳокимлари ўртасида адват, тинимсиз уруш, жанжаллар давом этиб келарди. Бир тамондан муғул хонлари ўтказаётган зуғумлар, иккинчи томондан маҳаллий ҳокимлар ўртасидаги тўхтовсиз низолар мамлакатни мушкул аҳволга туширтириб, фақат оддий халқ аҳволини оғирлаштириб қолмай, балки ҳоким синфларининг манфаатлариغا ҳам путур етказарди.

Мана шундай оғир вазиятда сиёсат майдонига чиққан Темур Мовароуннаҳрда муғул хонларидан мустақил, кучли марказлашган давлат тузилмагунча вазиятни тузатиш мумкин эмаслигини тўла англади ва бу йўлда кескин курашга бел боғлади. Темурнинг бу ғоясини мамлакатни бирлаштиришдан манфатдор бўлган барча социал кучлар айникса феодал-зодагонлар астойдил қўллаб-кувватладилар.

Вужудга келган сиёсий вазиятдан устамонлик билан фойдаланиб, дадил кураш олиб борган Темур XIV асрнинг 70-йилларига келиб

Мовароуннахдаги мавжуд феодал давлатга асос солди. Ўрта Осиё халқлари ҳаётида юз берган бу тарихий воқеада, шубҳасиз, Амир Темурнинг хизмати бекиёсdir. Мамлакатнинг хўжалик, сиёсий ва маданий ҳаётида у ўтказган тадбирлар ана шу мақсадларни кўзлаган эди. У ташкил этган марказлашган феодал давлат шароитида ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши билан бирликда Темурнинг кўпдан-кўп ҳарбий юришлар натижасида тўпланган ҳамма катта бойликлари ҳам маълум даражада мамлакатнинг иқтисодий юксалишига ёрдам берди.

Темур ўзига хонлик унвонини қабул қилмаган эди. Маълумки у номигагина тахтга чиқарган хонлар Суюрганмиш (1370-1388-йиллар) ва Султон Махмудхон (1388-1402-йиллар) мамлакат ҳаётида муҳим ўрин тутмас эди. У Мовароуннахрни танҳо ўзи бошқаради. Султон Махмудхоннинг ўлимидан кейин ёрдамчи хонлик мартабасига ҳеч кимни кўтармасада, лекин марҳумнинг номидан танга зарб қиласерди. Темур мамлакатда алғов-далғов чиқмаслиги учун асосан, Чифатойлардан ташкил топган қўшинларни юришларга олиб борарди. Уларга маҳсус имтиёзлар яратган эди. Испан элчиси ва сайёхи Клавихо шундай ёзади: «Чифатойлар хондан маҳсус имтиёзлар олган бўлиб, молларни истаган жойда ўтлатиши, экин-тикин қилиши, ёз ва қишида кўнгиллари тусаган ерда яшашлари мумкин. Улар шохларга солик тўламайди, чунки чифатойлар ҳарбий сафарбарлик эълон этилиши билан урушда хизмат қилгани жўнайди».

Темур феодаллар мулкини ягона давлатга бирлаштириди. Лекин айни вақтда у муайян вилоятларни суюрғолга ёки лен, феод (ўрта асрларда феодаллар ўз васийларига берилган ер сув, мулк)га тарқатиб, шу давлатни парчалаб ҳам ташлади. Суюрғол феоднинг Темур даврида кенг тарқалган шарқий кўриниши эди. Суюрғолга берилган мулк авлоддан-авлодга ўтади ва ундан олинувчи улпонлар бутунлай ёки қисман суюрғол эгасига тегарди. Бирор вилоятни Суюрғолга олган шахс ўша худуддан шу пайтгача бош ҳукмдорга келиб тушган барча солик, улпонларни ундириб олишга хақли эди. Суюрғол қилинган ер Суюрғол эгасига Темурнинг муҳри босилган ёрлик берилгандагина қонуний ҳисобланарди. Шу билан бир вақтда Суюрғолдан ташқари тархон ҳам давлатга хизмат кўрсатган кишиларга мукофот тариқасида беришарди. Тархон бу давлат хазинаси турли солик, улпон тўлашдан озод этилган ерлар эгаларидир.

Демак тархон-имтиёзга эга бўлган дегани. Тархон ҳақидаги ёрликни Суюрғолдан фарқи шуки, тархон ер-сув ёки бирор косибчилик, хунармадчилик устахонасида эга бўлган кишиларга беришарди. Бундан ташқари тархон ёрлигини олган зотнинг ножуя ҳаракатлари тўққиз мартагача кечирилган, 10 бор гуноҳ иш қилгандагина жавобгарликка тортилган. Шу билан бир вақтда дин пешволари, диндорларга давлат ерларидан вақф ерлар ҳам ажратилган. Амир Темур «Темур тузуклари»да бу хусусида шундай фикр билдиради: тамом вакилларини бошқариш ва назорат қилиш учун мутаввали (вақф мулкига ва ундан келадиган даромадга васийлик қилувчи, уни тақсимловчи диний мансабдор) танлашни, ҳар бир шаҳар ва вилоятда козифа муфтий (фатво берувчи,

диний масалаларда қарор чиқарувчи диний мансабдор муҳтасиб ўрта аср мусулмон давлатларида ислом маросимлари, урф одатлари ва шариат қонунларининг бажарилиши устидан назорат қилувчи мансабдор тайинлашни унинг ўзига ҳавола этдим. У сайидлар уламо, шайхлар ва бошқа диний арбобларга Суюргол белгилаб, ҳар бирининг вазифасини тайин қилин дедим» (57 бет). Маълумки, вақф-мусулмончилик қонун қоидаларига оид ва хайрли мақсадлар, оллоҳ йўлида ажратилган мол мулқдан иборатdir. Мусулмон давлатларида мактаб ва мадрасалар аҳоли учун мусофирихона, етимхона ва касалхоналар қурила бошлади.

Ушбу бинолар учун бўладиган ҳаражатлар қўйидагилардан иборат:

Имом, муazzин, жойномоз, ҳақи, қурилиш, шогирдларнинг нафақаси, муаллим ва мударрислар, табиб ва ёрдамчиларнинг маоши, китобидан нусха кучириш ҳақи ва бошқалар.

Бино эгаси доимий даромад бериб турадиган жойлар (ер, тегирмон, ҳаммом, дукон, карвон сарой, хунармандчилик корхоналари ва бошқалар)ни шу бино ёки ўша жой мамуриятига, қозихонага расмийлаштирилган ҳужжат вакфнома билан ўтказиб берган. Вақфдан келадиган даромад дин, маданият, маориф ишларига сарфлаган. Вақфнинг бир неча турлари мавжуд бўлган: «вақфли аҳоли» - маълум шахслар томонидан келинган вақф.

«Вақф авлод» - вақф келувчининг авлодлари фойдасига келинган, бунда ер авлодлари учун мутоваллик мерос ҳисобланган:

«Абвоб ал-бирр» - мозорларга келинган вақф;

«Абвоб ал-хайр» - хайр эҳсон келувчи ташкилотлар вақфи.

Вақф эгаси- вақфдор, вақф ерни ижарага олиб ишловчи - вақфкор дейилган. Вақф мулклари уч йилдан ортиқ даврга ижарага берилмаган, шунингдек, бу мулклар хирож, ушр, закот солиқларидан озод этилган. Биз учун муҳим ҳужжат бўлган Амир Темурнинг **вақти** алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки бу манба соҳибқироннинг байиллар айтганидек, фақат босқинчилик билангина шуғулланмаганидан далолат беради.

1897-йилнинг 29-августида Туркистон генерал-губернатори меҳмонхонасида ўтказилган Туркистон ҳаваскор археологлар тугарагининг умумий мажлисида ҳам шу ҳақда фикр билдирилиб, Амир Темур вақфномаси рус тилида келтирилган....

Оллоҳ таолодан ва Муҳаммад пайғамбардан нажот сўраб, ушбу қасрни барпо айлаб ва куйидаги шартларни баён қилдирган: мен ким шохларнинг шохи, жаннатга лойик Хазрат сайид Амир Темур Курагон Баҳодир Султон Ибн Тарагай, ҳурматга лойик вакилларига сув ва ерлар ажратиб бермоқни ният айладим, демакким: ҳужандликларнинг ховўз бошидан бошлаб, жикки ариғи суви ва атрофдаги ерларни бирламчи, Оқжар йўли орқали табарруқ кул, Хайрота қадамжойларига бутун сув ва ерларимни Султон хожа Ахмад Яссавийга вакил тортиқ килурман. Менинг бу қилмишим Оллоҳга хуш келсин. Ҳозирда ва келгусида шариат билан келишилган ҳолда фуқароларимга тақдим айладим ва еру сувларимни чегаралаб бердим. Ҳеч ким хўжаликлардан ташқари бўлган

ерлардан фойдалана олмагай ва экин экмагай. Бул вақфни ҳаётимнинг охиригача сақлашим шартдур. Вақфда белгиланган шартлар қуидагилардир:

1) икки қози бўлмоғи шарт (Куръонни ёдан биладирғон), алар қуръонни ҳар пайшанба ва душанба кунлари ўқишлари шарт (ҳазрат масжидида), негаки қуръон ўқилса, бул қуръон бирла менинг мозорим ёруғ ёнур, қуръон бирла ўқийдирғонлар менга ва менинг наслларимга таъзия қилмоғи лозимдур.

2.) Ҳазрат султон Яссавийнинг Садр Шайх деган укаси бўлганлигини, Садр Шайх (Хусайн Шайхнинг ўғли) деган ўғли бўлганлигини этиборга олиб Ботир Али Шайх Яссавийнинг қариндоши бўлганлигига ишонч ҳосил айлаб мен Ботир Али Шайхни вақф мутавалийси этиб тайинлармен. Ҳеч ким хонга нисбатан ўзбошимчалик қилмаслиги ва хоннинг барча ворисларини абадул – абад ҳафа қилмаслиги шартдур:

3) мутавали тўрт кишини ишга қабул этмоғи шартдур: икки киши сув ташимоғи ва икки киши масжиднинг ерини ва ховлисини супуриш ва қуриқлаш учундур.

4) хўжаликларнинг ховузи атрофидаги боғни ва унга икки кишини коровул соқчи айлайдурман:

5) Ботир Али Шайхдин бўлак кун булмакфиннинг хужайини бўлолмағай, ул тушкон даромадни йиғиб, ўзи билганича масжид ишларига сарф айлаши шартдур ва бошқаларни вақф ишларига йўлатмаслиги керак:

6) ҳар душанба ва жума кунлари масжида хўжажуйларга халим таёrlаниши шартдур. 2,5 ботмон буғдойдин ва 2 ботмон күшдин булуғ учун керакли, туз ва ўтин берилиши керакдур. Бу халимдин камбағаллар, етимлар фойдаланмоғи шартдур, йилига юз туяга ўтин тахланиши шартдур, икки корга 150 пуд буғдой тайинланмоғи лозимдур.

7) ҳамма қирғиз, ўзбек, қишлоқ ва шаҳар улуғлари ва ҳукмдор кишилар вақфга бўйсуниб, унинг ишларига аралашишлари керак эмас. Менинг бул сўзларим ҳамма келажак амир ва бошқа амалдорлар билан тасдиқланмоғи ва алар бирла хужайнинларини ҳавас қилмасликлари керакдур. Бўлмасам мен алар бирлан нари дунёда, худо ва пайғамбарлар олдида дардлашурмен. Олдин айтилганидек, макфийни кўп жойларга тайинладим. Шулардан қора сув булоғидаги жойга авлиё мир Сайд Баккисни тайинладим.

8) бутун макфийлар бирлан хужайнликни ул мутавали қилмоғи шарт. Ақчаларни ўз билғонича сарфлаши керакдур. Ҳукмдорлардин биронтаси бу коғозга бўйсунмаса ва хужайниларини хафа қилса аларни Худо ва пайғамбарлар хафа қилур.

Вақфноманинг пастида «Қози Камолуддиннинг иккита муҳри бўлиб тепасига тиллоранг суртилган кичик муҳр бор, унда шундай сўзларни ўқиса бўлади, - Амир Темур шундай подшо бўлганки унга тенг келадигани бўлмаган 735-йили тўғилган 771-йилда бутун дунёни забт этган, 809-йили вафот этган».

Темур Фарогоний Суюргол асосида ўғли Умар шайхга, кейинчалик унинг ўғли Искандарга берган. Темур кейинчалик жами босиб олган мамлакатларни қўлда тутиб туролмаслигини, бир жойда туриб бошқариш мушкуллигини билиб, айрим музофотларини ҳарбий шуҳрати ва хизматларига қараб Суюргол асосида ўз ўғилларига, набираларига ёки амирларига хадя этар эди.

Мазкур ўринда шуни ёддан чиқармаслик керакки, у кичик тасуротларини босиб олганидан сўнг ҳам олдинги ҳукмдорларни алмаштиришга шошилмасди. Бунинг ёрқин мисолини ширвон шох Шайх Иброҳим дарбандийни аввалгидек Ширвон ва Дарбанд, оқ қуйинли туркманлар ҳукмдори этиб қолдирганидан ҳам куриш мумкин. Катта-катта музофотларга эса у ўз ўғиллари ва набираларини бош этиб тайинларди. Темур 1381-йил Курдлар сулоласига барҳам берганидан кейин Хурросон ҳамда Хиротни ўғли Мироншохга инъом этди. 1393-йилда худди шу аснода «тахти Хулагуҳон» Ғарбий Эрон, Ирок, Арманистон ва Озарбойжонни қўшиб берди. Жужон, Мазадарон, Хурросон (Мироншоҳдан сўнг) Суйистон ўғли Шоҳруҳга, Афғонистон ва шимолий Ҳиндистон Пирмуҳаммадга суюргол қилиб берилган эди.

Темур вассалларига нисбатан қаттиққўл бўлиб баъзиларини жазолар, суюрларини тортиб оларди. У феодалланувчи барча кучларни босқинчилик юришларига йўналтириб олар, энг қатъий кўринишдаги ҳарбий мустабидлик тартибини ўрнатган эди. Давлат ҳудудлари туманларга бўлинган ҳолда бошқариларди. Туманлар уруш даврида 10.000 минг қўшин билан армиясини таъминлашлари мажбурий қўйилган эди.

Дехқонлар ва хунармандларнинг муғуллар даврига хос бўлган жамики мажбуриятлари ҳам сақланиб қолган эди. Темур даврида дехқонлар ерига ўзил - кесил бириктириб қўйилган эди. Дехқонларни 4 гурухга бўлиш мумкин эди:

- 1) Амлок ерлари ҳисобига яшовчилар;
- 2) Хусусий ер эгалари;
- 3) Ўз ерида ишловчилар;
- 4) Вақф ерлари ҳисобига яшовчилар.

Темур даврида дехқонлар хусусий жиҳатдан ҳам ерга бириктириб қўйилар эди. (И.П.Петрушевский). Дехқонлар ўз хужайинидан бошқасига ўтишт ёки бошқа хужайнининг қўл остида паноҳ топиши мумкин эмас эди. Шунга журъат қилган дехқон ўлдирилар, унга бошпана берган одам жазоланаар эди.

Хунармандлар, айниқса асир олинганлари яrim қўл ҳолатида бўлиб корхонадан ташқарига чиқарилмайди. Махаллий хунармандларнинг ахволи яхшиланар, зотан Темур уларни қадрлар эди.

Темур давлатининг асосини 12 ижтимоий тоифа ташкил этади:

- 1) Сайдлар, уламо, машойих, фозил кишилар;
- 2) Ишбилармон, донишманд одамлар;
- 3) Художуйлар, тарки дунё қилган кишилар;
- 4) Нуёнлар, амирлар, мингбошилар, яъни ҳарбий кишилар;

- 5) Сипоҳийлар ва раъият;
- 6) Махсус кишилар;
- 7) Вазирлар саркотиблар;
- 8) Ҳақимлар, табиблар, мунажжимлар, муҳандислар;
- 9) Тафсир ва ҳадис олимлари;
- 10) Аҳли ҳунар ва саноатчилар;
- 11) Суфийлар;
- 12) Савдогарлар ва сайёхлар;

Ибн Арабшоҳ Темур давлатидаги мансабдор шахслар тўғрисида маълумот берган. Унинг айтишича бу маълумотларни шайх Аловуддин ал-Бухорий айтган. Темурнинг девонлари хўжа Махмуд ибн Шихоб ал-Ҳаравий, Маъсуд ас-Симононий, Муҳаммад ас-Софирий, Тожиддин ас-Солмоний. Аллоуддавла ва Аҳмат ат Тусий ва бошқалар бўлган. Унинг девони муншийси котиб уссир мавлоно Шамсаддин бўлиб ўз замонасининг қозиси, ўз даврининг фозили эди.

...Темур имоми Абдужаббор ибн Нурмон Мутазилий бўлиб мамлакатининг бош қозиларидан Мавлоно Кутбиддин ва Хўжа Абдумалик унинг амакисининг ўғли Хўжа Абдулаввал ва улардан бошқалар; Темурга қисса ва тарихларни ўқувчи мавлоно Убайд табиблари азуллоҳ ва Шомда табибларнинг бошлиғи бўлган Жамолиддинлар бўлганлиги қайд этилган («Амур Темур тарихи 1992-йил Тошкент 84-85 бет»).

Темурнинг ички сиёсати Моваруннаҳри моддий ва маданий жиҳатдан имкон қадар юқори кўтаришга ҳаракат қаратилган эди. Темур маданият фан, меъморчилик, ҳаёт, адабиёт, поэзия, тарих, мусиқа сингари соҳаларни ривожлантиришга кўп эътибор берар эди. Темурнинг яхши хусусиятларидан бири шу эдики, у бирор масалани ҳал этишдан олдин шу соҳанинг билимдон одамлари билан маслаҳатлашар ва қарор қабул қиласи эди. Унинг олимлар билан қиласиган маслаҳатларининг ҳар хил даража ва турли шакллари бўларди.

Одатда Темур тиббиёт, риёзиёт, астрономия, тарих фанлари вакиллари, адабиёт, тилшунослик илми намояндлари, шунингдек, тиелогия ва дин соҳасидаги машҳур одамлар билан шахсий суҳбатлар ўтказарди. Олимлар кенгашида Темур нутқ сўзлаб бундай деган эди: «Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз маъсулиятлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаяпсизлар, менинг мақсадим мамлакатдаadolat ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кўчайтириш, давлатимизни ривожлантириш. Сизлар менга маслаҳатларингиз билан бу ишларни амалга оширишда кўмаклашишингиз керак. Мамлакатнинг аҳволи девонни сунъий истемол қилинганлиги ва қилинаётганлиги, оддий одамларнинг жойлардаги ҳокимлари томонидан қисиб қўйилишлари каби ҳоллар ҳаммадан қўра сизларга аёндир. Шулар ҳакида маълумот берсангизлар, бу кабиadolatsiz ишларни бартараф этувчи ҳамда шариат ва қонунлар яхши булурди ».

Амир Темур саройида илм-фаннынг машхур олимлари, шоир ва ҳаттотлари жуда кўп эди. Ибн Арабшоҳ «Ажойиб ал Макдур ёки тарихий Таймур» асарида Темур мамлакатидаги машхур олим, ҳаттот, ҳунарманд боғбонлардан баъзи бирларининг номлари келтирилган. Масалан, у факир олимлардан мавлоно Абдумалик, Нумонуддин Хоразмий, Ҳожа Абдувалла, мавлоно Исимиддин Ибн Абдумалик, муҳақиҳ ат Тафтазоний, Сайид Шариф Муҳаммад журжоний, муҳаддис олимларидан Шайх Шамсуддин Ибн ал Жазоирий, ҳожа Муҳаммад аз Зоҳид Бухорий, қорилардан мавлоно Фахруддин қуръони қироатдан ҳам, савтда ҳам тажвид билан ёд олган кишилардан, абдулатиф ал-Домгоний мавлоно Асадудин, боғбонлардан Шихобуддин Ахмад аз Заркашийларнинг номларини зикр этган. (85-88-бетлар Ибн Арабшоҳ «Амир Темур тарихи» Тошкент 1992-йил)

Темур мамлакатнинг ички иқтисодиётини ривожлантиришга катта ахамият берар эди. Айниқса, у Самарқанд ва она шаҳри Кешни ободонлаштиришга кўп эътибор берди. Жаҳонгирнинг бўйруғи билан 1365-йили Қарши, 1370-йили Самарқанд, 1380-йили Кеш шаҳри атрофида қайтадан мудоафаа деворлари бунёд этилди. Шарафуддин Али Яздийнинг қайд этишича, Амир Темурнинг ҳарактерли хусусиятларидан бири давлат, мамлакат, фуқарога ғамҳурлик эди. Унинг қоидаси рости-rosti эди. Ҳақиқат- сиҳат саломатлик, ҳақиқат-тартиб, ҳақиқат-адолат демакдир деб тушунириарди у.

Шу билан бир вақтда Темурнинг муҳрида ёзилган қоида ҳақида Ибн Арабшоҳ, Якубовский, X. Вамбери ва бошқа кўплаб тарихчи олимлар асарларида учратиш мумкин.

Масалан: X. Вамбери бу ҳақида шундай деб ёzádi: «Темурнинг аломат белгиси ушбу тарзда қўйилган уч ҳақиқатдан иборат эди. Шиори «Рости-rosti». Бу ибора «Куч адолатда» маъносини билдиради. Бу аломат унинг уч иқлимда яъни Шимол, Жануб ва Ғарбда ҳокимлигига ишора («Моваруннахр тарихи»53-бет)

Темур давридаги ҳаражатларнинг катта қисми қўшин эҳтиёжларига ишлатиларди. Урушларга ишлатилган ҳаражатлардан ташқари сипоҳ ва зобитларга ойлик, ярим йиллик маошлар бир йиллик маошлар, шу билан бир вақтда моддий манфаатдорлик мақсадида улуфа, мансаб, турли хил инъом ва совғалар берилади. «Темур тузуклари»да бу нарса яқъол кўрсатилади. «Қилич чопишга баҳодирларни биринчи маротаба-ўнбоши, иккинчи маротаба бўлса-юзбоши, учинчи маротаба бўлса мингбоши қилиб тайинласинлар. Ўн боши қўли остидагилардан бири ботирлик кўрсатса, биринчи навбатда ўнбоши қилсинлар. Қилич чопишда ўзини ҳимоя қилиб кўзга ташланган аскарлар бундан истиснодир, чунки хўқиз ҳам шохини нихтайди. Шундай экан сипоҳийларнинг асли насабларига ҳам қарап лозим. Агар мингбоши қилич зарби билан ғанимнинг бир фавж лашкарини синдириса, уни биринчи амир қилиб тайинласинлар. Биринчи амир ёв лашкарини бўзиб уларни тарқатиб баҳодирлик кўрсатса уни иккинчи амирлик даражасига кўтарсинлар» .

Шунга ўхшаш қайси амир ёв лашкари тўпини буздириб иш кўрсатар экан, уни мартабасидан юқори кўтарсинлар. Сипоҳийлардан кимки астойдил шамшир чопгудек бўлса маошини кўтарсинлар. («Темур тузуклари»79-бет).

Манфаатдорлик бўлган жойда меҳнат самарали ва унумдор бўлади. Энг муҳими қаттиқ интизом ўрнатилади. Шу сабабли Темур давлатида ҳарбийларнинг кўрсатган қаҳрамонликлари тақдирланарди. «Амир қилдимки қайси амир бирор мамлакатни фатх этса ё ғаним лашкарини енгса, уни уч нарса билан мумтоз этсинлар;

биринчи, фахрли хитоб, туғ ва ноғора берилиб уни баҳодир деб атасин;

иккинчи, уни давлат ва салтанат шериги билиб кенгаш мажлисига киргизсинлар;

учинчи, унга чегара қўшини топширилсин ва ўша ердаги амир унга бўйсундирилсин.

Агар амирларнинг қайси бирори тура, хон ўғлини енгса ёки бирор амирзодага шикаст етказса ё бирор улка хонини мағлуб қилса уни юқоридаги йўсинда мукофотласинлар. »

Яна амр қилдимки, жангда ўзини кўрсатиб қаршисидаги ғанимнинг лашкари билан синдирса мартабасини оширсинлар.

Яна амр қилдимки ўнбоши, юзбоши ва мингбоши душман сафини бўзиб ўз қаршисидаги аскар фаржини синдирса, ўнбоши бўлса шаҳар хокимлигини беринглар, юзбоши бўлса уни бирор мамлакат ҳукмдори этиб тайинласинлар.

Яна ҳукм қилдимки амирларнинг қайси бири ғанимларнинг қўлидаги бирор мамлакатни фатх этиб, душман тасаруфидан озод қилса шу мамлакатни уч йилга унга инъом қилсинлар. Ва амр қилдимки қайси бир аскар қилич чопиб баҳодирлик кўрсатса унга инъом тариқасида чумок қимматбахо тошлар билан безатилган утоға, камар, турна беллик қилич ва бир от берсинлар. Ўнбоши мартабасига кўтарсинлар. Иккинчи ва учинчи бор баҳодирлик кўрсатса юзбоши ва мингбоши мартабасига кўтарсинлар.» («Темур тузуклари»82-бет). Бу тузукда инъом ва совға бериш тартиби аниқ кўрсатилиши тартиби билан бир қаторда синфий манфаатлар ҳам кўриниб турибди.

Масалан: оддий сипоҳий ва мингбошилик даражасига кўтарилиши баён этилади. Бундай чеклаш давр талаби билан келиб чиқкан. Темурнинг ҳарбий - иқтисодий қарашларидаги аниқлик ва ўткир билимдонлик, ҳарбий саънатнинг ривожланишига олиб келди. Кейинчалик жуда кўп ҳарбий саркардалар, давлат бошлиqlарига бу тузуклар ўз ҳарбий, сиёсий, хуқуқий, иқтисодий билимларини оширишга мактаб бўлган. Шу билан бир вақтда иқтисодиётсиз ҳарбий соҳанинг ривожлана олмаслиги, иқтисодий жиҳатдан кучли бўлмаган қўшиннинг муваффакият қозона олмаслиги Темур томонидан исботлаб берилган десак муболаға бўлмайди.

Темурнинг дамба-дам қилган юришлари қўшинни такомилга етаклади ва уруш олиб боришда янги жанговор усулларни қўллаш имконини яратди.

1391-йил Тухтамиш билан Қундўзда бўлган жангда тукнашув олдидан қўшинни мутлоқ янги усулда жойлаштириди. Бу жангда Темур ўз қўшинини етти бўлакка ажратди. Жанг олдидан қўшни марказ, ўнг қўл (муғулча-барангор, форсча-дастираст) ва чап (ўзбекча-сулқўл, муғулча-жавонгор, форсча-дастичап) қанотлардан таркиб топган. Уларнинг ҳар бирида илғор хировул, ҳар бир қанотда муҳофаза бўлаклари бўлиб, уларнинг вазифаси душманнинг ён томонидан хужум қилишига йўл қўймаслик эди. Ўз-ўзидан маълумки, жангда марказий бўлак катта аҳамият касб этади, унинг ортидан захира қўшинини ва бош қўмондон қароргоҳи жойлаштирилган. Жанг олдидан Темур қўшинининг жойлаштирилиши қуидаги тартибда бўлган:

коровул\_\_\_\_\_коровул\_\_\_\_\_коровул;

илғор\_\_\_\_\_илғор\_\_\_\_\_илғор;

канбул\_\_\_\_\_марказ;

чап қанот\_\_\_\_\_захира\_\_\_\_\_ўнг қанот канбул;

бош қўмондон қароргоҳи.

Темур қўлга киритган ғалабаларда қўшиндаги айғоқчилик ва душман кирдикорларини ўрганувчи маҳсус бўлинма алоҳида ўрин тутган.

Темур бўйруғи билан 100 та тезюар тую, 1000 та от минган кишини чопкунча, 100 нафар тез юарар пиёдани чопар этиб тайинлаган. Уларга турли мамлакатлар, сарҳадларидағи хабарларни, қўшни ҳукмдорларнинг мақсад ва ниятларини етказиб туриш топширилган. Ибн Арабшоҳ «Ажойиб ал Макдур тарихий Темур» асарида Темурнинг Хитойга юриш қилиш арафасида жосусга берган топширигини: «Қачонким Темур рум ерларида чодир тикиб турганида Оллоҳдодга бир мактуб жўнатди. Унда бир қанча ижтимоий ва тафсилий масалалар бўлиб, унда шуларга амал қилишни ва ўша жойлар аҳволи, кайфият ҳақида жавоб юборишини айтди. Шулар жумласидан ўша ерлар аҳволларини баён қилиш, у ерлар йўллари ва масофалари, қалъа ва қурғонлари, яқин ва ўзоқ (жой)лари, биёбонлари ва эгри-бугри йўллари, сахро ва чўллари, белгили жойлари ва минорлари, сув ва анҳорлари, қабила ва уруғлари, тор ва кенг йўллари, маълум ва маъқул жойларни морхола ва манзалларни, маъмур ва ҳароб жойлари кайфиятини (шундай зикир қилсинки, бу зикрда у (ишига малол келадиган) сарсонлик йўлини тутиб, қисқа қилиб гапиришдан, хусусан, мақсадга ҳалол етказишдан четлансин: (яна) у ҳар икки манзил орасидаги масофани ҳар икки мархола ўртасидаги сайр кайфиятини ўз қудрати борича илм ва фироят етганича баён қилсин.) бу маълумотлар ҳаммаси Шарқ ва Хитой ерлари ҳамда ўша чегаралар томонидан (бошланиб) баён этилсинда, Самарқанд томонидан Темур илми етадиган жойларни ҳам

қамраб ниҳоясига етсин: (1 китоб 284-285 бетлар)». Асарнинг давомида Ибн Арабшоҳ шундай дея давом этади. «Натижада Оллоҳдод фармонга амал қилиб, бу (нарсаларни баҳусни ҳайъатда ва бағоят тушунарли тимсолда тасвирлади. Бу шундай бўлди, у бир неча қаватдан иборат тоза ва турт бурчак шаклига келтириди. Қоғоз устига ушбу (Темур сўраган) нарсалар намунасини жойлаштириб, ўша маконлар эканининг суратини солиб, улардаги ҳаракатларни ва турган нарсаларни тасвирлади. Бу тасвирда у барча ашёларни худди Темур буюрганидек, Шарқу-Ғарбини, ўзок-яқинлиги, ўнг-чаплиги, текису-торлигини, бўйию-энини, пастубаландини, дараҳтсиз ва дараҳтли жойларни, осмону-ерни, булоқма-булоқ, манзилма-манзил очиқ ойдин кўрсатди. (1-китоб 295-бет). Темур чегараларидан ўтиб кетган кишилар, сайёҳлар, савдогарлар, дарвешлар ва бошқа одамлардан ўз душманининг мақсади ҳамда кучи, сарой ҳаёти, махаллий хусисиятлари ҳамда шаҳар жойлашиши ҳақида маълумот олиб турган.

Темур ва темурийлар даврида Моваруннахрда архитектура ривожланди, мамлакатнинг турли томонларида иншоатлар барпо етилди. Бунга бир томондан мамлакат сиёсий ҳаётида ҳосил бўлган вақтинчалик нисбий осойишталик имконият яратган бўлса, иккинчидан маҳаллий ҳунармандлар билан бир қаторда забт этилган мамлакатлардан Самарқандга келтирилган мутахасис, ҳунармандлар, меъморлар, наққошлар кенг кўламда қурилиш ишларига жалб қилиниши ижобий таъсир кўрсатади. Чунончи, Темур ўзи истило қилган мамлакатлардан нафақат қимматбаҳо, шунингдек маҳаллий усталарни ҳам Моваруннахрга келтириди. Гога Хидоятов ўзининг «Менинг жонажон тарихим» китобида шундай фактлар келтириди: «Ҳиндистондаги Панжоб ва Дехли сарой ва мақбаралардан талаб олинган қимматбаҳо буюмлар, Дамашқ, Боғод, Антalia ва Ормўзда шаҳарларидан, Волгабўйи, Кавказ худудларидан қурилиш материаллари ва санъат асарлари ортилган карвонлар кечаю-кундўз Самарқанд шаҳрига келиб турар эди. Истило қилинган давлатлардан Темур олимлар, ҳунарманд ва рассомларни келтирган эди. Эрон Моваруннахрга рассомлар, наққошлар, мадрасалар учун мударрислар, мусиқачилар, меъморлар ва қурувчиларни, Сурия пиллакашлар, қуролсозлар, шиша ва чинни маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи усталар, Кичик Осиё мамлакатлари қуролсозлар, кумуш буюмлар ишлаб чиқарувчи усталар, тош терувчилар, арқон тукувчилар, Ҳиндистон моҳир қурувчилар, металл маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи усталар, заргарларни етказиб берди. («Моя родная история»172-бет)». Темур давлатида ҳам туман ва суюрларга берилган худудлардаги ресурсларнинг миқдорини текширувчи маҳсус отрядлар тўзилган эди.

Бу маҳсус отрядлар хазинага юбориладиган солиқ ва улпонларнинг хазинага ҳақиқатдан ҳам юборилганлигини тасдиқлашлари, Темур тузукларининг сўзсиз бажарилишларини кузатишлари керак эди.

Темур ва темурийлар даврида Самарқандда Кўксарой жоме масжиди ва Бибихоним мадрасаси, Хўжа Ахмад мақбараси, «Гури Амир»мақбараси,

«Туман Оға комплекси», «Шодимулк оға мақбаси», «Амирзода мақбаси», «Гулдор мақбаси» ва шунга ухшаш бир неча юзлаб мақбара, мадрасалар қурилди, Самарқанд атрофида Боги Баланд, Боги Бехишт (жаннат боги), Боги Давлатобод, Боги Дилкушо, Боги Жаҳоннома, Боги зоғон, Боги Майдон, Боги нав (янги боғ), Боги чинор, Боги Шамол боғлари барпо этилди. Мирзо Бобурнинг маълумотига кўра «Самарқанднинг Ферӯза, Ахонин, Шайхзода, Газуристон, Сўзангарон ва Чорраза деб аталувчи дарвозалари бўлган». Самарқанд қальаси ички айланма деворининг узунлиги эса 16 минг олти юз қадам келган. Темур Самарқанд шахрини ободонлаштириш билан быирга давлатининг бошқа худудларида ҳам қурилиш ишларига катта эътибор берилди.

Масалан, Тошкент шаҳри яқинида Зангиота мақбаси бунётд этди. Ушбу меъморий ёдгорлик Ўрта Осиёдаги энг ажойиб тарихий ва меъморий обидаларидан бири бўлиб, у Тошкент-Самарқанд шаҳари оралиғидаги қадимги карvon йўли ёқасида жойлашган.

Маълумки, Амир Темур Олтин Урдага қарши урушлар даврида Ахмад Яссавий мақбасини қуриш билан шуғулланган ва унга катта маблағ ажратган.

Чунончи Амир Темурнинг сўнгги юришларида ҳамкорлик қилган соҳибқироннинг замондоши Тожиддин Солмоний ўзининг «Тарихнома» асарида шундай деб ёзади: «Темур ўз ҳамроҳлигидаги аёллари ва мирзолари билан унинг (Яссавийнинг) мозори яқинига келгани туфайли энг улуғ авлиё Шайх Яссавий мақбасига йўл очишни буюрди, зоро у пайдо бўлган имкониятдан фойдаланишга интиларди. Ушбу китоб муаммолари 800-йилдан (милодий 1307-йилнинг сентябридан 1398- йилнинг сентябригача) Шероздан салтанат пойтахти Самарқандга келишда Ҳоқон мендан Ахмад Яссавий мақбасига инъом этилган сочиққа кейинчалик кашталаш учун шеър ёзиб беришни истади. Ва мен бадиха усулида 800 саноси билан китоб битдим (Тадж ат-дин ас-Солмоний Тарихнома Боку 1991, 17-бет).

Ахмад Яссавий Муҳаммад пайғамбардан кейинги улуғ шахс сифатида таърифлаб келинган. «Мадинада Муҳаммад, Туркистонда хўжа Ахмад» деган ибора бор. Мақбара Амир Темур томонидан қайта қурила бошланди. Маълумотларда буюк жаҳонгирнинг бўлажак мақбаранинг лойиҳасини ишлаб чиқиша шахсан иштирок этганлиги ва машҳур усталар ва меъморларни бир жойга жамлаб уларга кўрсатмалар берганлиги айтилади. Мақбара 1398-йилда қуриб битказилган.

1864-йилда Туркманистонни эгаллаш чоғида чор аскарлари генерал Чернев бўйруғи билан Яссавий мақбасига яширган шаҳар ҳимоячиларини ўққа тутган. Яссавий мақбаси ўз вақтида масjid вазифасини ҳам бажарган. Бу ерда кутубхона ҳам бўлган. Ичкарида «Назир-ниёз қозони» бор, олтмиш пақир сув сиғадиган икки тонналик бу бронза қозонни бу ерга Амир Темур тортиқ қилган. Шайх қабристонига қимматбаҳо нифритни Амир Темур Ҳиндистондан олиб келтирган.

Шунингдек мақбарага қолган қозоқ хонлари ва хонзодалари, унинг ургаймоқлари ҳам дағн этилган.

Амир Темур Шахрисабзда 1404-йилда онаси Некўзбиби шарафига қурилган «Оқсарой» обидаси ҳақида машҳур тарихчи Абдураззоқ Самарқандий қуйидагича ёзган эди: «Темур ишга барча ишга яроқли бўлганларнинг ҳаммасини Хоразмдан Моваруннахрга кўчиришга бўйруқ берди. Хоразмдан усталар баланд ва салобатли сарой қуришди, ҳозир у Оқсарой номи билан машҳур» (Туркистон журнали 5сон 1991-йил )

Испан элчиси Клавихо 1493-йили бу ердан Самарқанд шахрига ўтаётган вақтда обида ҳали қўтарилиб битмаган эди. Лекин бунга қарамай ўз хотиравирида Оқсаройнинг гўзаллигидан хайратланганини ва қойил қолганлигини ёзади. У бу сарой ҳақида шундай ёзади: «Зеро бутун зархал ва ложувард билан қопланган бўлиб, у ерда (Шахрисабзда) саройнинг зийнатлари олтиндан ва бошқа ранглардан хайротомуз ишланган эди. Ҳатто моҳир усталар шаҳри бўлган Парижда ҳам бу иш жуда гўзал ҳисобланар эди. Оқсарой қурилишида қарийб 20-йил вақт кетади».

Темур Самарқанддан ташқарида ҳам истироҳат боғлари барпо қилдирган. Масалан Бухорода Боги Турон, Боги Нурафшон, Боги Афзал, Хозарбоғ, Мингчинор каби боғлар бўлган. Хуросонни босиб олгач у ҳар бир амир ва арконни давлат мироб дарасидан канал чиқариб дехқончиликка асос солишини буюрди. Бўйруққа асосан 20 та канал қазилиб улардан 8тасига Темур ҳарбий саркардалари ва амалдорлари, биттасига Кутлуғ хотин номи берилди. Шу билан бир қаторда империянинг худудларидан гуллар ўтказилди. Кухак-Зарофшон, Амударё ва Сирдарёга қўприк қурилди. Тошкент атрофидан Сирдарёдан Охангаронгача канал қазилди ва шаҳар типидаги қишлоққа асос солинди. Бухоро, Шахрисабз, Фарғона ва Туркистонда карвонсаройлар ва шу билан бир қаторда суғориш иншоотлари барпо этилди. Шаҳарлар, қишлоқлар, мадрасалар, ҳаммомлар, мақбаралар қурилиши шу даврда мисли кўрилмаган кўламда олиб борилди.

Темур нимага айнан давлати пойтахтини Самарқанд қилиб олган? Баъзи бирорлар Темур эгаллаган шаҳарларнинг энг йириги Самарқанд деса, бошқа бирорлар шаҳарнинг иқлими ва уни ўраб турган манзара сабаб бўлган дейдилар. Яна бошқа бирорлар эса Самарқанд Темурни жалб қилган, чунки кадимдан буён шаҳар сифатида маълум эди, бу ерда машҳур Афросиёб Турон мамлакатларини идора қилган эди деб тахмин қилган.

Лекин бунинг объектив сабаби афтидан шундаки Самарқанд ўзининг географик ўрни жиҳатдан Моваруннахрнинг марказида жойлашган шаҳар атрофида дарё, булоқлар мавжуд, шаҳарнинг ўзи уч томонидан тоғлар билан ўралган, бу ерда хаво оқими тоғдан, дарёлардан, шунингдек далалардан, урмонлар ва ўтлоқлардан келадиган оқим бир бирига қўшилиб орамбахш иқлим барқарордир. Самарқандга яқин жойларда бинокорлик материалларнинг ҳамда қимматли, рангли ва нодир материалларнинг каттакатта заҳиралари бор эди. Бу бойликлар маълум даражада ўша даврдаёқ давлат хизматига ишлатилиши мумкин эди.

Самарқанд Темурнинг фикрича дунёning энг донгдор шаҳри бўлиб колиши керак эди. Самарқанд атрофида Боғдод, Миср (Кохира), Дамашқ, Султония, Шероз, Фориш (Париж), Мадрид деб мусулмон ва Европа мамлакатлари асосий шаҳарларнинг номлари қуйилган бир неча катта қишлоқларнинг бунёд этилганлиги ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди.... «Самарқанд шаҳри» - деб ёзган эди Клавихо-“текисликда жойлашган бўлиб тупроқ уюмлари ва жарликлар билан ўралган у Севилья шаҳридан бироз каттароқ. Шаҳардан ташқарида эса унга турли томонлардан келиб туташган кўпгина уйлар қурилган. Шаҳар боғ-роғлар ва токзорлар билан қопланган бўлиб, булар баъзи жойларда 1,5 айрим жойларда эса 2 лига масофага чўзилиб кетган.

Ўша боғларнинг ора-ораларида кўча майдонлар бўлиб улар жуда гавжум. Бу ерларда аҳоли яшайди, нон ва кўпгина бошқа нарсалар сотилади. Шаҳарнинг ташқарисида шаҳарнинг ичкарисидагидан кўпроқ турар жойлар бор. Шаҳардан ташқарида бу боғларда эса дангиллама ва серҳашам уйлар қурилган. Бу ерда подшохнинг ҳам қасрлари ва бош хазиналари бор. Бундан ташқари кўпгина шаҳарлик зодогонларнинг бу боғларда уйлари, иморатлари бор. Бу ерда боғ-роғлар ва токзорлар шу даражада кўпки шаҳарга келганингда баланд-баланд урмонни кўрасан, унинг ўртасида шаҳар турди. Шаҳар ва боғлар бўйлаб ариқлар ўтиб, уларда доимо сув оқиб турарди. ».

Ана шу боғлар оралиғидаги бўш майдонларда қовун, пахта етишитиради. Бу мамлакат қовуни жуда яхши ва серҳосилдир. Янги йил арафасида уларда қовун ва узум шу даражада кўп бўладики, кўриб ҳайратда қоласан. Ҳар куни туяларда сон саноқсиз қовун карвони олиб келинади. Бунчалик кўп қовуннинг сотилаётганлиги ва истеъмол қилинаётганлигини кўриб таажубланмай иложинг йўқ, қишлоқларда қовун шунчалик кўпки уни қуритиб қоқи қилинади ва келгуси йилгача асрashади.

Бу ер ҳамма нарсага бой, ғалла ҳам, вино ҳам, мева-чевалар ҳам, паррандалар ҳам, турли гуштлар ҳам сероб. Бу ернинг қўйлари йирик-йирик ва думбалари катта, баъзи қўйларнинг думбаси 20 қадоқ келади, уларни қўлда кўтариш қийин. Бу қўйлар шунчалик кўп ва арzonки подшо у ерда қўшини билан бўлганда иккитаси дуккат турарди. Бошқа моллар ҳам арzon, ғалла арzon, гуруч мўл-қўл.

Унинг бойлиги озиқ-овқат маҳсулотларининг мўл-қўллигига эмас, балки бу ерда ишлаб чиқариладиган шойи газмоллар, атласлар, сандаллар, тафталар ҳам беҳисоб. Бу нарсалар у ерда жуда кўплаб ишлаб чиқарилади, кийимларнинг астари муйна ва шойидан қилинган зар ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Шунинг учун ҳам подшо бу шаҳарнинг шуҳратини оламга тарқатишга ҳаракат қилган ва ҳамма жойдан одамларни шаҳарга ва теварак – атрофидан қишлоқларга кўчириб келтирган, айниқса уч турли ҳунармадларни тўплашга ҳаракат қилган. Дамашқдан турли усталарни келтирганлар, жумладан: шойи тўқийдиган, камон учун ўқ ва турли қурол яроғлар ясадиган, ойна ва сопол ишлайдиган усталарни келтирган. Бу усталар дунёдаги энг яхши усталардан ҳисобланади. У

Туркиядан мергандар ва учраган бошқа хунармандларни олиб келган. Шунингдек тош терувчилар, қўли гул усталарни ҳам олиб келган. Уларни шунчалик кўп олиб келдики, истаган касбдаги уста ва хунармандларни бу шаҳарда топиш мумкин. Бундан ташқари у турли мутахассислар – инженерлар, аркон тўқийдиган хунармандларни олиб келган, улар шу вақтгача экилмайдиган каноп ва зигир экишган.

... бундан ташқари, шаҳар бошқа мамлакатлардан келтириладиган моллар билан тўлиб–тошган. Руши (Рус) ва Татаристондан тери ва сурп, Хитойдан шойи газлама келтирилади. Дунёда энг яхши деб ҳисобланган атласлар Самарқандда тўқилган. Бундан ташқари Хитойдан мушк (мукус) ҳам келтирилади, мушк эса Хитойдан бошқа бирор мамлакатда йўқ. Ёкут ва марваридлар, бриллиантлар ҳам келтириларди. Ана шу нарсаларнинг кўп қисми бу мамлакатда ҳам бор, бу ерга марварид ва қимматбаҳо тошлар ҳам ташиб келтирилади. Ҳиндистондан бу шаҳарга майда моллар, мускат ёнғоқлари (жаъзи боб), қалампирмунчоқ, занжабил, анбар, долчин ва Александрияга юборилмайдиган бошқа турли нарсалар келтирилади.

Клавихонинг Самарқанд шаҳри тўғрисида ёзган сатрлардан Темур ободончилик ишлари билан фақат Мовороуннаҳр худудларида шуғулланган эканда деган фикр туғилиши мумкин.

Ўрта Осиё тарихини ўрганган В. В. Бартольд бу ҳақида шундай дейди: «Темур гуё Самарқанддан бошқа ерда вайронгарчилик билан шуғулланган деган фикр муболағани у Қобул водийси ва Муган Чўли каби Самарқанддан ўзок бўлган жойларда улкан суғоришишлари олиб борди». Бу билан у тарихий жиҳатдан қимматли фикрини айтган эди.

«Бир йил мобайнида, - деб ёзади Яздий, Боғод шаҳрини танлаш ҳақида буйруқ берилди. Токи шаҳар яна ўз қиёфасини олсин, унда хунарманчилик ривожлансин, теварак-атрофида дехқончилик бўлсин, савдо-сотиқ ва маданий ҳаёт кенг тармоқ ёйсин, ислом билими илгаригидай ёйилсин. Бу вазифа амирзода Абу Бакирга топширилди. Темур муҳандислар, меъморлар ва қурувчилар томонидан тасдикқланган аниқ режа-лойиха асосида Бойликон қурғони–шаҳрини ҳам тиклади, пишиқ ғиштдан кўпгина турар жой бинолари, бозор, майдон, ҳаммомлар қурдирди, боғ, хиёбон барпо этди. Аракс дарёсидан канал қаздириб шаҳарга сув келтирди».

Юқорида келтирилган тарихий маълумотлардан Темур давлатининг ички иқтисодий ҳаётида социал инфратузилманинг ривожланганлиги, давлат даромадлари мамлакатни ободонлаштиришга, кўкаламзорлаштиришга, савдо-сотиқ ва ҳунармадчиликни, меъморчиликни юксак даражага олиб чиқишга ҳарж қилганлигига гувоҳ бўламиз.

## **6.Амир Темур давлатида ҳунармандчилик ва савдо.**

XIV -XV асрлар охирида Самарқанд савдо-сотиқ ишлари олиб бориладиган йирик шаҳар бўлиб, бу ерга Ҳиндистон, Эрон, кичик Осиё,

Волга бўйи, Рус, Сибир ва Ўзок Шарқдан, Европанинг олис мамлакатларидан турли тилда сўзлашувчи савдогарлар келиб туришарди.

Теварак-атрофидаги қишлоқларнинг аҳолиси ва бепоён даштлардаги кўчманчилар Самарқандга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташиб келтиради.

Самарқанд атрофидаги ҳхунармадлар ва дехқонлар ўз товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва чорва молларини шу ерга олиб келишарди.

XIV асрнинг охри XV асрда Самарқанд шахрида хунармадчилик, ишлаб чиқариш шаҳарликлар ва атроф қишлоқлардаги аҳолини қондиришга мўлжалланган эди. Хунармадчилик маҳсулотлари хилма-хил турларининг бир қисми даштларда яшовчи кўчманчи аҳолига сотиш учун мўлжаллаб тайёрланар эди. Буларнинг ҳаммаси хунармандчилик ишлаб чиқаришини бир қадар ривожлантиришга ёрдам берди. Бунинг натижасида усталар сони кўпайди, улар чиқараётган маҳсулот турлари ортиб борди, хунармандчилик буюмлари сифати яхшиланди, шунингдек, уларнинг маълум буюмни ишлаб чиқариш бўйича ихтисоси кўчайди. Хунармандчилик соҳасида тўқимачилик буюмлари ишлаб чиқариш, металл ишлаш, бинокорлик ва кулолчилик етакчи ўрин эгалларди. Тўқимачилик, айниқса кенг ривожланган эди. Марказлашган давлатнинг қарор топиши билан истеъмолчилар сонининг кўпайиши тўқимачиликни янада ривожлантиришга ва тўқимачилик буюмлари сифатини яхшилашга олиб келди. Тўқимачилик ишлаб чиқариш маҳсулотлари, хунармандчиликнинг бошқа буюмларига кўра, катта бозорга кўпроқ етказиб бериларди.

Бу бозор маҳаллий истеъмолчиларни ҳам, қушни қишлоқлар аҳолисини ҳам, даштларда яшайдиган кўчманчи ва ярим кўчманчиларни ҳам ўз ичига олар эди. Ўрта Осиёда тўқилган анчагина газмоллар олис мамлакатларнинг аҳолисига ҳам етказиб бериларди. Шундай қилиб, Самарқанднинг газмол ишлаб чиқарувчи хунармандлари маҳаллий бозорлардан ташқари анча ўзокдаги жойлар билан ҳам савдо алоқалари ўрнатган эди.

XV- XVI асрдаги ёзма манбаларда ва норматив хужжатларда Самарқандда ишлаб чиқарилган ип газлама ва шойи газламалардан анчамунчаларнинг номлари учрайди. Масалан, Олача, Парча, Духоба, Карбас, Катон, Фута, Чит, Малла, Фолга, Вала каби газмоллар ишлаб чиқарадиган хунармадлар бўлган. Шунингдек, газламага гул босувчи усталар ҳам бўлган.

Маҳаллий ва четдан келтирилган хом-ашёдан шойи тўқиши кенг тарқалган эди. Четдан келтирилган хом-ашёдан ипак, маҳаллий ипак билан бир қаторда турли нав шойи газмоллар таёrlаш учун ишлатиларди. Манбаларда атлас, кимхоб, харо, мисрий, баноррас ва бошқа номдаги шойи ва чала шойи газмолларнинг номлари учрайди. Кастилиялик элчи де Клавихоннинг қайд қилиб ўтишича, Самарқанднинг бойликлари озиқ-овқатдангина иборат эмас, балки у ерда шойи газмоллар - атлас, кимхоб, седал, пафта ва терсенал ҳам кўплаб ишлаб чиқарилади». Шуни ҳам

айтиб ўтиш керакки, шойи газмоллар, зеб-зийнат буюмлари бўлиб, уни феодаллар ва шаҳардаги бой кишиларгина ишлатар эди. Европалик бошқа сайёхнинг маълумотларига кўра, атлас ва кимхоб Ўрта Осиёга Хитойдан келтирилган.

Бироқ Клавихоннинг юқорида зикр этилган сўзлари сингари Хофизи Аbru асарида келтирган маълумотларга асосан Ўрта Осиё териториясида ҳам кимхоб тўкиб чиқарилган. Хофизи Аbru Темур томонидан ўтказилган тантаналарда Ҳиротнинг ҳунармандлари ва савдо аҳли қатнашганлигини, улар турган дастгоҳларини кўрсатганлигини тасвиirlаб, бундай деб ёзади: «Кимхоб тикувчилар кўчма тўкиш дастгоҳини намоён қилиб шу ернинг ўзидаёк тўкишар эди».

XV асрда металл буюмлар ясаш юқори даражага кўтарилиган эди ва бу соҳада муайян буюмни ясашга ихтисослашганлиги кўзга ташланади. Темирчилар (чилангарон, охангарон) металл буюм ясовчиларнинг кўп сонли гуруҳини ташкил этиб, кетмон, бел, курак, теша, эшик занжирлари ва халқалари, бошқа касбдаги ҳунармандлар учун хилма-хил қуроллар, тошга (мармарга, нифритга), ганчга, ёғочга нақш соладиган асбоблар, талабларини маълум даражада қондирадиган бошқа буюмлар шуларнинг кўллари билан тайёрланар эди. XV асрдаги Самарқанд шаҳрининг олти дарвозасидан бири бўлган Оханин дарвозаси уйма нақш солиниб темирдан ёки чуяндан қилиганлиги маълум.

Қимматбаҳо металл (олтин ва кумуш) буюмлар ясаш Самарқанд ҳунармандчилик ишлаб чиқаришида катта ўрин эгалларди. Бу ҳунарнинг ривожланишига асосий сабаблардан бири шуки, Темур давлатининг пойтахтида маҳаллий феодал зодагонларнинг ва чет эллардан келган бой савдогарларнинг катта қисми тўпланган эди. Улар орасида халқ ҳунармандлари томонидан тайёрланган қимматбаҳо буюмларга талаб жуда катта эди. Истемолчиларнинг катта қисми мис ва бронзадан тайёрланган хилма-хил жиҳозлари ва кумушдан тайёрланган аммо унчалик қиммат бўлмаган буюмларни сотиб оларди.

XVI асрда Самарқандда зарбхона бўлиб, бу ерда танга зарб этувчи усталар ишлашарди.

Темур даврида кенг ва авж олиб кетган ва унинг баъзи ворислари ҳукмронлик қилган даврда шафқатсиз давом этган босқинчилик урушлари сабабли қурол-яроғ ясашни анча ривожлантириди. Амир Темурнинг махсус устахоналарида турли қурол-яроғлар: хужум ва мудофаа қуроллари – дубулғалар, совутлар, ўқ-ёй таёrlанарди, қилич ва ўқ-ёй жангчиларнинг асосий хужум қуроли бўлиб қолаверди. Феодал ҳокимлар ва зодагонлар учун мулжалланган ҳарбий қуроллар қимматбаҳо тошлар ва ўйма нақшлар билан чиройли қилиб безатилган эди.

Кулолчилик иши ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг энг ривожланган ва муҳим тармоқларидан бири эди.

Кулоллар хилма-хил турдаги идиш-товоқлар ишлаб чиқаришдан ташқари, бинокорлик материаллари, қоплама пилиталар, кошинлар,

полларга ётқизиладиган пилиталар, кувурлар ва чегрик кўзачалар, шунингдек тандирлар ва бошқа рўзғорбоп буюмлар тайёрланар эди.

Темур ва Темурийлар даврида Мовороуннаҳрда ҳунармандчиликнинг тараққиёти савдо-сотиқнинг кенг миқёсларда бўлишга имконият яратди. Давлат пойтахтига савдогарлар, шунингдек қушни қишлоқнинг дехқонлари тез-тез келиб турар эдилар. Дехқонлар бу ерга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиб келар ва ўзларига керакли ҳунармандчилик буюмларини ҳарид қилишар эди. Бу ерда асосан бозорлар ёки уларга ёнма-ён бўлган худудда жойлашган устахоналарда ишловчи кўпгина ҳунармандлар бор эди. Пазандачилик ҳам анча ривож топган эди.

XIV аср охири ва XV асрларда Самарқанднинг бошқа давлатлар билан иқтисодий ва маданий алоқаларнинг кўчайиши натижасида бошқа мамлакатларда мол ва ҳунармандчилик маҳсулотлари ташиб келтириш кўчайди. Биз бу хусусида юқорида бир неча бор таъкидлаб ўтдик. Шу билан бирга бир вақтда Самарқандда чет мамлакатларга олиб бориб сотиладиган нарсалар орасида тўқимачилик буюмлари, асосан арzon ип газламалар салмоқли ўрин эгалларди. Шунингдек, духоба, қимматбаҳо шойи, коғоз, мева, гуруч, пахта ҳам ташқи бозорга чиқариларди. Талончилик ҳарбий юришлари вақтида катта бойлик орттирган Темур ўз пойтахтини янада кўкка кўтариш ва безатиш учун янги савдо муассасалари қуриш учун кўплаб маблағ сарфларди. У «савдогарлар туфайли дунё обод бўлган» деб ҳисоблар ва дунёнинг кўпгина мамлакатлари билан эркин савдо муносабатларини олиб боришга ҳаракат қиласарди. Унинг фармони билан йўллар ободонлаштирилди, салтанат пойтахтида гумбазли бинолар, карвонсаройлар, мол сақланадиган омборлар қурилди.

Ҳунармандчиликнинг ривожланиши туфайли бозорлар кўпайди, айрим хилдаги буюмлар билан савдо қиласиган расталар пайдо бўлди. Бозорларнинг ҳар бирида асосан бир хилдаги моллар сотилар эди, бозорлар эса сотиладиган молларнинг номи билан аталарди.

Хулоса қилиб айтганда, Темур ва Темурийлар даври Мовороуннаҳр иқтисодий тарихидаги энг муҳим ва аҳамиятли бўлган давр бўлди.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:**

1. Мўминов И. И. «Амир Темур Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли». Тошкент, 1989 йил.
2. Каримов И. А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли». Тошкент, Ўзбекистон, 1992 йил, 78 бет.
3. Каримов И. А. «Истиқлол йўли: муамолар ва режалар» Тошкент: Ўзбекистон, 1992 йил.
4. Каримов И. А. «Ўзбекистон келажаги буюк давлат». Тошкент: Ўзбекистон 1992 йил, 62 бет.
5. Якубовский А. Ю. «Самарқанд при Темурий и темуридах в XIV-XV в. вл. 1933 год, стр. 138.
6. Ахмедов Б. А. «Ўзбекистон халқлари тарихий манбалари» Тошкент: Уқитувчи, 1991 йил.
7. Ахмебов Б. А. «Темур тузуклари тўғрисида икки оғиз сўз» Тошкент: 1990 йил.
8. «Темур тузуклари» Тошкент: Фофур Гулом н., 1991 й., 144 б.
9. «Самарқанд тарихи» биринчи том (Муминов И. И. тахрири остида) Тошкент: Ўз. ССр фан нашриёти, 1971 йил, 484 бет.
10. Давидович Е. А «Клады древних и средневековых монет Таджикистана» Москва, 1979 год.
11. Фоффоров Б. Ф. «Таджики» Душанбе, «Ирфон», 1989 йил.
12. Бобур З. М, «Бобурнома» Тошкент: Юлдузча, 1989, йил.
13. Вамбери Х. «Бухоро ёхуд Мовороуннаҳр тарихи». Тошкент: Г. Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1990 йил, 96 бет.
14. Ибн Арабшоҳ. «Ажойиб ал мақдур фи тарихи таймур» (Амир Темур тарихи, 2 қисм) Тошкент: Мехнат, 1992 йил.
15. Абдураззоқ Самарқандий. «Матла ас садайнин ва Манжума ал баҳраиф» И. В Ан. СССР № С 442, С 443, С 449, И.Ан Ўз ССр. 17 й.
16. История государства и права СССР. част 1, Москва, «Юридическая литература» 1988 год.
17. Семенов В. Ф «Ўрта асрлар тарихи». Дарслик, Тошкент: Уқитувчи, 1973 йил, 650 бет.
18. Хидоятов Г. А «Моя родная история». Тошкент: Уқитувчи. 1990 йил, 304 стр.
19. Тошкандий С. «Темурнома» Тошкент: Чўлпон, 1999 й., 350 б.
20. Сомон йўли. Абадий-тарихий мажмуа. Маъсул мухарир X. Даврон, Тошкент: Камалак, 1992 й., 192 бет.
21. «Сиёсий иқтисод». Тошкент: Ўзбекистон. 1991 йил, 731 бет .
22. «Ўзбекистон халқлари тарихи». жилд Тошкент: Ўз ССР Ф. А Фан нашриёти. 1962-йил, 588 бет.
23. “Ўзбекистон ССР тарихи”. 1 том, биринчи китоб, Тошкент: ЎзССР ФА нашриёти. 1956 йил, 572 бет.
24. «Ўзбекистон тарихи ва маданияти». Тошкент: Уқитувчи, 1992 йил, 296 бет.
25. Березиков Э. «Заргар қўтиси» .

## РЎЗНОМАЛАР ВА ОЙНОМАЛАР

1. Мўминов И. И «Амир Темур Ибн Тарагай Баҳодир» «Фан ва турмуш» ойнома 1990 йил 2-3-4 сон
2. Петрушевский И. П. «Муғул ҳукмронлиги даврида Эронда дехқонларнинг ерга бириктирилиши тўғрисида», «Вопросы Истории» ойнома, 1947 йил 4-сон
3. Абдураимов М. «Темур ва Тухтамиш», «Шарқ юлдузи» журнали 1991 йил 2-сон
4. Али Яздий «Зафарнома» «Шарқ юлдузи» 1991,1192,1993 йиллар
5. Хамдам Содиқов «Муруватли Темур ва Олчоқ Тухтамиш», мuloқot журнали 1991 йил 8-сон
6. Ўринбоев А., Кароматов X. «Зафарнома» Мулоқот журнали 1993 йил 1-сон
7. Иванин М. И. «Амир Темур ҳарбий санъати (китобдан парчалар А. Махкамов таржимаси) Турон тарихи» Оммабоп мажмуаси 1993-йил 1-сон
8. Йўлдошев Н. «Амир Темурнинг иқтисодий ақидаси,», «Ҳаёт ва иқтисод» журнали 1992-йил 5-сон.
9. Эргашев Т. «Амир Темур», «Ҳаёт ва иқтисод» 1992-йил 2-сон
10. Мирзаев Муроз «Амир Темурнинг мангу обидалари», «Гулистон» журнали 1991-йил 5-сон
11. П. Равшанов «Амир Темурнинг муҳри» Ёшлик журнали 1989-й, 16-сон
12. Ахмедов Б. А, «Клавихо ва унинг кундалиги ҳақида икки оғиз сўз», «Санъат» журнали 1990-йил 11-сон
13. Гонсалес де Клавихо «Самарқанддаги Амир Темур Саройиға саёҳат кундалиги» «Санъат» журнали. 1989-1990 йиллар 11-сонларда
14. Мирзаев М. «Амир Темур вақти» нафосат журнали 1992-йил 1-сон
15. Абдулла Шер Мовий Хотирот «Мактабгача тарбия» журнали 1992-йил 3-4- сон
16. Н. Тухталиев «Осиё ва бозор» Ўзбекистон, адабиёти ва санъати 1991-йил 7-июн.
17. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси «Маърифат», 1992-йил 16-декабр
18. Холбеков М. «Амир Темур Оврупа таъзими »1992-й. 25-сентябр 39-сон
19. Муминов М., Султонов О. «Пул ёки муомала воситаси ҳақида» Туркистон 1992-йил 6-март.

## **Мундарижа:**

<b>Кириш.....</b>	<b>3</b>
<b>1. Амир Темур давлати иқтисодий сиёсатининг барпо этилиши ва эволюцияси.....</b>	<b>4</b>
<b>2. Амир Темур иқтисодиётида давлатнинг таъсир қилувчи методлари.....</b>	<b>9</b>
<b>3. Амир Темур давлатининг ҳарбий – иқтисодий сиёсати....</b>	<b>16</b>
<b>4. Амир Темур давлатининг чет эл давлатлари билан иқтисодий алоқаси.....</b>	<b>21</b>
<b>5. Амир Темур давлатининг ички иқтисодий сиёсати.....</b>	<b>32</b>
<b>6.Амир Темур давлатида ҳунармандчилик ва савдо.....</b>	<b>45</b>